

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

## МЕХР-ОҚИБАТИМИЗ КУЧЛИ



Чилонзор тумани "Оқтепа" маҳалласида яшовчи тарих фанлари номзоди, доцент Ғойибназар ака Маҳмудназаров рафиқалари Насиба ая билан зиё нурини таратган инсонлар сирасига киришади. Ғойибназар ака Низомий номли Тошкент педагогика институтинда 30 йил, халқ маорифи аълочиси Насиба ая ҳам бир мактабда шунча йил ёшларга таълим-тарбия берганлар. Умид билан қадалган қаламча йилдан-йилга буй чўзгани каби, инсоннинг шаклланиши жараёнининг илдизи оила муҳити билан камол топади. Шу боисдан Ғойибназар акадан отаоналари ҳақида гапириб беришларини сўрадим.

- Куз пайтлари эди, - дея гап бошлади Ғойибназар ака. - Онам раҳматли томорқада нимадир иш билан машғул эдилар. Шунда мен 4 ёки 5 ёшда эдим. Онам чанқадилар шекилли: "Уйдан сув олиб чик", дедилар. Уйга кирсам, отамнинг тиззаларида варақлари сарғайиб, титилиш даражасида бир китоб, отам уни ўқиш баробарида йиглаб ўтирган эканлар. Мен отамни бу аҳволда ҳеч кўрмагандим. Менга кўзлари тушгач, елкаларидаги рўмолчалари билан юз-кўзларини артиб, дам менга, дам китобга қараб кўярдилар. Шу тобда менинг хаёлимдан "Уйимиздан бадарга қилинишимиз рост экан-да", деган фикр йилт этиб ўтди. Чунки ўша замонларда бизлар қанчалик тиришиб-бирлашиб меҳнат қилмайлик, кузда колхоз идорасидан вакиллар келишиб: "Сизлар бу йил ҳам колхоздан қарз бўлиб қолдинглар, келгуси йили яхши ишлаб бермасаларингиз кўчишингларга тўғри келади, уйни болалар боччасига топширасизлар", дейишарди. Бир неча кун аввал ҳам шу аҳвол юз берганди. Мен отамни рўпарасига бориб тиз чўкиб: "Нима, уйимизни тортиб олишмоқчим", дедим.

Отам китобни эҳтиёткорлик билан олиб, халтачага солиб ўраб кўтикларига кистириб, молхона томон хомуш юриб кетди. У пайтларда бундай китобларни ўқиш тақиқлангани учун молхоналарда сақланар эди. Кейинчалик, отамни йиғлатган китоб Ҳазрат Ҳазиний тўрамни эканини билиб олган эдим.

- Рафиқангиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

- 1964 йил эди. Низомий номидаги Тошкент педагогика институтига хужжат топшириш пай-



тида келиноингиз билан танишиб, дўстлашиб қолганмиз. Ярим йил ўтгач, кимдир ётоқхонадаги тўшагим устига бир варақ қоғоз қолдирибди, олиб ўқисам: "Айтишга журъатингиз етмаса, шу қоғозга ёзиб қолдирсангиз ҳам бўлади, Насиба", деган ёзувни ўқидим.

Бир йилдан кейин тўйимиз бўлди. Худога шукр, бир ўғил-бир қизим, олти нафар набираларим бор. Бир умр бир-биримизни суяб яшадик. Хар қандай шароитда ҳам тилга эрк, дилга ғазабни йўлатмадик.

- Меҳр-оқибат хусусида ҳам фикр билдирсангиз.

- Бир кунни опам иккаламиз тегирмондан ун олиб қайтаётган эдик. 12 ёшда эдим. Кишлоғимиз билан тегирмоннинг орасидаги масофа 5 чакиримлар келарди. Тегирмонга борадиган сўқмоқ бўлиб бугдойзорнинг ўртасидан кесиб ўтган эди. Ниҳоятда катта қора бир қуш ниманидир кўтариб учаётган экан. Бир маҳал қуш бизга яқинроқ бир жойга қўнди. Опам: "Чоп, қара-чи, у нима экан?", деди. Мен эшакдан тушиб қуш кўнган тарафга югурдим. Мени кўрган қуш кўрқанидан ўлжасини ташлаб учиб кетди. Бориб қарасам, бир кўзи ўйиб олинган қора товук экан. У мени кўриб қочмади ҳам. Секин бориб уни тутиб олиб, опамнинг олдига олиб келдим. Опам рўмолчаси билан уни қонли кўзини артиб, яна менга тутқазди. Биз уни уйга олиб келиб парварिश қилдик. Хар кунни битта тухум туғарди. Айниқса мени кўрса олдимга югуриб келиб атрофимда дон излаган бўлиб парвона бўларди. Ховлида нима иш қилсам мендан 4-5 қадам нарида юрарди. Шу товук жўжа очиб оиламизга файз киргандай бўлди. У даврларда яшаш ниҳоятда оғир эди. Мен бу билан нима демоқчиман, меҳр нафақат инсонлар орасида, жонзот билан инсон орасида ҳам бўларкан. Биз оилада 5 қиз, 3 ўғил эдик. Катта акам урушдан қайтмади. Орамызда меҳр-оқибат шу қадар кучлики, уни сўз билан таърифлай олмайман. Укам Соибназар менга жуда меҳрибон. Мени одам бўлишимга аввалом бор отаонам, қолаверса шу ёлғиз иним сабабчи. Бу меҳр-оқибатни ўғлим Бахтиёржон ҳам, қизим Нигорахон ҳам, 6 та неварам ҳам кўриб турибди. Уйлайманки, улар ўзларига керакли хулосани чиқариб олишади. Ахир: "Қуш инида кўрганини қилади", деган гап бор-ку.

Тоҳир НОРИМОВ

## "ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ" ДА НИЯТЛАРИМИЗ КЎТЛУФ

"Оила ва жамият" газетаси 2003 йилнинг 1 январидан бошлаб сиз мухлисларнинг талабингизга биноан 16 саҳифада чоп этилади. "Оила ва жамият" газетаси инсонларни тўғри йўлга бошлайди. Тарбиялайди. Унинг саҳифаларида бир-биридан ажойиб, дилга яқин мақолаларни ўқийман", - деб ёзади Тошкент вилоятининг Чиноз туманидан мухлисамиз Иноятхон Исоқова. Янги йилдаги режаларимиз эса, ниҳоятда улкан. Саҳифаларимиздан инсон ҳаётига дахлдор барча масалалар жой олади, диққатингизни тортади, оғирингизни энгил қилади, узоғингизни албатта яқин қилади, деган умиддамиз. Газетамиз қалбингизга маънавият, маърифат нурини таратибгина қолмай, дунёқарашингизни бойитибгина қолмай, бугунги кунимизга, ҳаётимизга оғоҳлик назари билан боқишга ундайди.

Сотаман-оламан, машина оламан, сотаман, турли касбларга ўқитаман, даволайман, пардоз-андоз қиламан, соч турмаклайман, ижарага уй бераман, машина бераман, тўйга, юбилейга таклифнома-лар ясайман каби эълоларимиз бепул бўлади. Давлат ташкилотлари ва катта-катта хусусий фирмаларнинг ёрқин фаолиятлари эса тижорий жиҳатдан кенг жабҳада ёритиллади.

Янги саҳифаларимизда "Қилмиш-қидирмиш", "Савоб ишни хар ким қилсин, хар кунни қилайлик" номли янги рўзгорингиздаги ортиқча кийим-кечакларни мутожоларга эҳсон қилиш ниятида-дирсиз ёки ортиқча маблағингизни газета орқали бева-бечораларга эҳсон қилмоқчидирсиз? Ёки бизнинг газета орқали ўз яқинларингизни қўлагингиз келар? Марҳамат! Биз сизнинг хизматингизда-миз. Биз барча маиший ва танишув эълоларингизни келгуси йилдан бошлаб бепул чоп этиб, сизларга қулайлик яратишга аҳд қилдик.

Сиз азизлар эса, бундай қулай имкониятдан фойдаланиш учун шошилин! Сиздан фақат куйидагиларни бажариш талаб этилади: истагингиз, исм-фамилиянгиз, манзилингиз - почта алоқа бўлимингиз аниқ кўрсатилган бўлсин, паспортингиздан кўчирма. Дейлик, анча пайтлардан буён кўнглингиз тубидаги дардингизни, ҳасратларингизни айтмоқчи бўлган кишингизга айт-толмай келасиз. Марҳамат, "Сизга шунини айтмоқчиман" ва ёки "Сизга бир сўзимни айтсам..." сарлавҳаси остида-

ги мактубларингизни тахририятимизга жўнатиңг. Биз уларни жони дилимиз билан газета орқали таниш-билишларингизга етказамиз.

"Оила ва жамият"да ўтган йиллар ичида чоп этилган барча рўзгорингизни сизга маъқул эканлигини яхши биламиз. Бунинг сиз хар гал ўз хатларингизда, ташрифларингизда, кўнглингизда баён этасиз. Сизнинг дилдор сўзларингиз қалбимизга нақадар хуш ёқишини билсангиз эди. Ижодимизга қанот бахш этишини кўрсангиз эди. Бизу сизни ўз меҳру муҳаббатимиз йиллар, иқтисодий қийинчиликлар ва йўлларнинг узоқ-яқинлигини тан олмай давом этаётганлигидан сиз ҳам, биз ҳам нақадар бахтиёрмиз. "Оила ва жамият" энг севишли газетам, дея хар жойда мактабни юршингиз шундан эмасми?

Уйлаймизки, бизнинг дўсту-биродарлигимиз кўп-кўп йиллар давом этажак. Шундай бўлишини сиз ҳам, биз ҳам жуда-жуда истаймиз. Биз ҳамisha узоқ-яқиндаги кадрдон қаламқашларимизни меҳру соғинч билан эслаймиз. Тошкентлик Чўлпоной Мелиқўзиева, андижонлик Феруза Мирзаолимова, Манзура Исоқова, Комилжон Нишоннов, наманганлик Рислиқон Махнунова, бухоролик Ғайбулла Абдуллоев, Моҳира Шакарова, Марзия Фаттоева, самарқандлик Аслидин Камарзода, Нусрат Раҳматов, Малоҳат Рафиқова, жиззахлик Муҳайё Беркинова, Саъдинисо, фарғоналик Санъат Махмудова, Рустам Ҳожиёв, сурхондарилик Рўзикул Низомиддинова, Жамила Эргашева, Ойимноз Ўсанова, Дилбар Нормуродова, шахрисабзлик гўзал Сафия Узоқова, Зангиоталик Манзура Сафарова, ва шунингдек, яқин-йироқдаги биз бунда тилга олишга улгурмаган кўлаб мухбирларимизга янги йилда ҳаммамиз соғу омон бўлиб, Ватан ва юрт истиқболи, бахту иқбол йўлида ижодий ҳамкорликни янада кучайтиришларини тилаб қоламиз. Мухбирларимиздан иложи бўлса, оилавий ва ёки шахсий туширилган суратларидан юборишларини илтимос қиламиз. "Оила ва жамият" мухлислари уларни янада яқиндан танишни истайдилар. Келаятган янги йилда эса хонадонларимизда, кўчаларимизда, маҳаллаларимизда, шаҳру қишлоқларимизда ободлик, тўқис-туғаллик, фаровонлик ҳукм сурсин, дея ният қиламиз.

Бош муҳаррир



Яқинда анча йиллардан буён кўришмаган педагог дугонани учратиб қолдим. Соғинчдан энтиккан дилларимиз қонгунча узок суҳбат курдик... Аввалига ўша танишган чоғларимиздаги хуш ва нохуш дамларни кўзларда ёш билан ёдга олдик. Шу куни алламаҳалга ҳаётни олмамди. Аллақандай ички бир туйғу мени дугонанинг ҳаётини қозоғга туширишга ундарди...

Фарзандсизлиги туфайли турмуши бузилиб, ҳаёт чорраҳаларида гангиб қолган Зухра не-не умидларда шаҳарга йўл

танлигини, истаса ўша оила соҳиби билан та-ништириб қўйиши мумкинлигини айтди. Зухра ўйга толди... Кишлоқдошининг айтишича; оила ночор яшар, унинг устига болаларининг олди катта бўлиб қолишган, кичиги эса 5 ёшда экан. "Қийналишим аниқ, у куним бу кунимдан баттар бўлади-ёв... Йўқ, бўлмайди, деган қарорга келди у аввалига. Аммо ҳамқишлоқнинг болалар она меҳрига, парваришига муҳтож", дея куюнчақлик билан айтган сўзлари унга бир зум тинчлик бермай қўйди. "Улар она

лаларнинг ҳам онажонларига бўлган муҳаббатлари охири, оилада "ўғай она" деган совуқ сўзга ўрин қолмади.

"Шунда мен барча йўқотганларимни қайта топгандай бўлдим. Энди болаларим, оилам бор эди менинг ҳам. Бир сўз билан айтганда, менда ҳаётга янгидан муҳаббат пайдо бўлди, - дейди севинч ёшларини тийламаган Зухра кўзларини арта- арта. Болаларим ҳаётимнинг мазмунига айлана борди... Катта

**ЮЛДУЗОЙНИНГ АЙТГАНЛАРИ**



Бешта неварам бор. Энг кичигининг исми Юлдуз. Нафақага чиқиб, вақтим етарли бўлгани учунми, ишқилиб ёзин-қисин дейинми, кўпинча у билан бирга бўлдим. «У ким, бу нима?» деб менга савол беришини қўймайди. Мен ҳам эринмай билганимча унга жавоб қиламан. Шундай кунларнинг бирида неварамдан эшитганларимни олиб тўплаш истаги туғилди. Қуйидагилар бизнинг суҳбатларимиздан бир шингил, ҳолос. Булар неварам Юлдузойнинг уч ёшидан олти ёшгача бўлган пайтларида айтган гапларидан айрим намуналар.

олади. Офтобга солади, кулади, мўралайди. Ишқилиб уни еру кўкка ишонмайди.

- Бувижон, тилла кўнғиз ким ўзи? У болами, онами, отами? - сўрайди у.

- Бу боласи шекилли, - дейман кичиклигини назарда тутиб.

- Вой, унда онаси ҳам, отаси ҳам бор экан-да...

- Бор, бор, - дейман кулиб.

- Унда тилла кўнғиз одамга ўшар экан-да...

- Бувижон, қани айтинг-чи, у оладими, юрадимми? - яна саволга тутайди неварам.

- Учади, учади, қара қанотлари бору...

- Нима қилса учади?

- Уни офтобда тоблаб, устини силаб-сыйпаб турсанг, қанотларини чиқариб учади-ю кетади... Неварам айтганларини қилувди, тилла кўнғиз бирдан қанотларини чиқарди-ю учади-ю кетди...

Бундан Юлдузой қиқирлаб кулади, кўнғизой билан хайрлашгандай кўлларини кўтариб силкитиб-силкитиб қўяди.

- Менинг ҳам учгим келаяпти, бувижон! Орқамни сила...

**«БОЛАЛАРИМ - ҲАЁТИМНИНГ МАЪМУНИ»**

олди. Кўринишидан соддагина, аммо гап-у сўзлари мулоим, зукко бу ўқитувчи аёлнинг ўшандаги бирдан бир мақсади бошидан ўтганларни нуқтиб, тинчгина яшаш эди. Шундай қилиб у бир узокроқ қариндошиникида ижарада яшай бошлади... Яқин орадаги мактабда иш бошлаган Зухранинг ҳамкасблари аввалига уни назар-писанд этмади. Тез орада эса Зухра ўзининг билимдонлиги, уддабуронлиги ва меҳнатсеварлиги билан жамоа ўртасида ўз ўрнига, мавқеига эга бўла бошлади.



ўғлимни ҳарбий хизматга жўнатаётганимда унинг бўйларига қараб ҳаяжонланганимни айтмайсизми?! Қизларимнинг ўқишга кирганларидаги шодликларимни қай сўзла ифодалай?!

Ха, мен тиллоларга топиб бўлмас бахтга эришган эдим. Илоҳи жойлари жаннатда бўлсин, волидангизнинг. Сизларни аслада мен учун, менинг бахтим учун дунёга келтирган эканларда раҳматли онажонингиз дейман ич-ичимдан уларга қараб...

Аёл энг аввало бахтидан тинсин экан... Зухра қалбини кемираётган, юрагини эзаётган мунгли ўтмиши устига ижара уйидаги "ғиди-биди"лар ҳам қўшилиб, тобора ҳаётдан совуб борарди. Хар кун дарсларини ўтиб бўлган, синфда ёлғиз қолар, аламини дафтар-китобдан олارد: Конспект ёзиб чарчаса дафтар текширар, дафтар текшириб толликса, кўргазмалари қуроллар тайёрлар... Хуллас, барибир ўйга қайтиш маҳали ҳам келарди. "Эй Худойим, - дея нола қиларди ёлғиз аёл, - қачон бу кўргилларим аёл бўларкин, қачон мен ҳам ўз бошпанамга, оиламга эга бўлар экман? Наҳот энди фарзанд кўриш менга nasib этмаса?!"

меҳрига зор бўлишса, мен фарзанднинг беғубор нигоҳларига интизорман-ку", ўйларди у. Зухра қалбига қулук туғди. Қалби эса уни болалар бағрига етакларди.

Зухра болаларни бағрига олиб, уларга оналик меҳрини бераётган паллада оддий ўқитувчи эди. Ҳаёт ташивлари уни енга ололмади. У тинимсиз изланди, она тили фанига оид янгиликлар бўйича илмий мақолалар чоп эттирди. Иқтидорли ўқувчилари билан республика миқёсидаги танловларда муваффақият билан иштирок этди. Муваффақиятлар ютуқларни бошлаб келаверди... Довонлар бирин-кетин забт этилиб, муаллиманинг обрў-эътибори ошгандан ошаверди...

Ёлғизлик курсин экан. Унинг кўнглига ҳеч нарса сизмас, йиғлаб ором олиб, кўзлари кизариб тонг орттирарди... «Эх дугонажон, нималарни кўрмади, менинг бу бошим, - дея эсларди ўша дамларни Зухра, - кимлар таъна тошини отмади, кимлар юзимга солмади фарзандсизлигимни. Тақдир экан, барчасига чидаб яшайвердим. Ижара уйдаги кўнгилсизликлар бир томон, иш фаолиятимдаги эътиборим бир томон эди, ўшанда».

Тўғри, аввалига 4 нафар бола билан янги ҳаёт бошлаш осон кечмади. Негаки, оила бошлигининг камҳаржлиги етмагандек, болаларнинг 3 нафари касалламанд эканлиги "дард устига чиққон" эди. Зухра биринчи эътиборини болаларнинг соғлигини тиклашга қаратди. Бунинг учун "иссиқ" жойини "совутиб" бўлса-да, уйларига яқин жойдаги мактабда ўтиб ишлаш бошлади. Парваршига, меҳрга муҳтож норасидаларни ўзгача муҳаббат билан бағрига босди... Вақтида иссиқ овқатини тайёрлаб бериш, озодагарчиликни ўрнига қўйишдан тортиб барча уй-рўзгор юмушларини катта қизлари ёрдамида кўнгилдагидек йўлга қўйди. "Буханка" нондан безиб қолган болажонларини газда пилган бўрсилмоқ нонлар билан сийлади. Тирмуш ўртоғи иккаласи "арава" ни баробар тортиб, ҳалол топиб, ҳалол едиришди. Қимматбаҳо кийимлар кийишмаса кийишмадики, аммо болаларини ҳеч кимдан кам қилиб қўйишмади. Оқибатда аввалига болалар билан ўрталарида пайдо бўлган "девор" бирпасда "қулади". Бо-

Эндиликда нуфузли бир ўқув муассасасининг директор ўринбосари лавозимида меҳнат қилаётган Зухранинг сўзларини тинглар эканман, ҳаёлимдан қуйидагилар ўтди: Сиз онаизор дийдоридан бир умрга бенасиб бўлган беозор кўнглиларни бағрингизга босиб бошларини силадингиз. Уларнинг саломатлиги-ю хотиржамлиги, бахти-ю осоишталлиги ўзингиздан устун турди ҳаммаша. Булар Оллоҳга мақбул бўлиб, кечага захматларингиз бугун сизнинг толеингизни ярқиратаётган бўлса, ажабмас! Шунинг учун ҳам бугун фарзандларингиз сўнмас чирок бўлиб йўлигини мунаввар айлаётганлигига шак-шубҳа йўқ. Қани энди сиздаги бағрикенглик, одамийлик ва самимийлик тақдир сизникига ўшаш бошқа аёлларимизга ҳам сабоқ бўлса!

**Дилбар РАЗЗОКОВА**  
Навоий шаҳри

**УСТОЗ ОТАНГДЕК УЛУФ**

Устозим Икром Омоновнинг қилган меҳнатлари ва ҳаётига тўхталиб ўтмоқчиман. Устозим оққунгил, саҳий, ўз соҳасининг жонқуяр фидойиси. 1986 йил Сирдарё Давлат педагогика институтига дахл тарих факултетининг сиртки бўлимига ҳужжат топшириб талабалikka қабул қилинди. Ҳозирги кунда бу билим юрти Гулистон Давлат университети деб юртилади. Икром ака Ал. Бухорий номли 2-ўрта мактабда илк бора ўз иш фаолиятини бошлади. Бир вақтнинг ўзида ҳам ўқиб, ҳам ишлаш у кишидан катта меҳнат ва чуқур изланишлар талаб қилар эди. У киши олимпид

адаларга олиб чиққан ўқувчилари туманда ҳам, вилоятда ҳам шарафли ўринларни олиб қайтишди. 1991 йил институтни қизил диплом билан муваффақиятли тамомлади. У киши факултета тарих фани билан чегараланибгина қолмай, ҳуқуқ, иқтисодиёт, география, астрономия фанларини ҳам чуқур ўзлаштира олди. Устоздан сабоқ олган йигит-қизлар ҳозирги кунда педагог, тарихчи ва ҳуқуқшунос сифатида юрт учун астойдил хизмат қилишмоқда. Устоз мана ўн беш йилдан буён педагогика соҳасида ишлаб келмоқда.

**Яхшилардан сўз очдик**

Оилада уч фарзанднинг меҳрибон отаси, турмуш ўртоғининг суянчиги, бахтли оила суглтонидир. Яхшидан ном қолади, деган нақлнинг маъноси ҳам шундадир.

- Орузми — ўзим танлаган шарафли йўлда қоқилмасдан олға юриб, интилиб, устоз каби шоғирдлар даврасида савлат

**Ўригидан данаги ширин**

Мен уни қучиб орқасини силаб-сыйпайман. Неварам қанотларини қоқиб учаётган қуш мисол кучогини кенг очиб, югурганча гулбоғ оралаб кириб кетади.

Юлдузини дала ҳовлимизга бирга олиб кетдик. Бизга эр-каланибми, шўхлиги авжга чиқди: лой ўйнама, сув сепма, қуёшда турма, ақанг билан урушма, дея-тергаганим тергаган, танбёҳ берганим берган...

- Ух, бунча кўп гапирасиз, бувижон?! Ахир мен буюқа дам олганим қангман-у, - дейди у аччиги чиқиб.

- Қарасам иккита, қарамасам битта - бу нима? Қани топинчи, бунча ҳам ўзим тўқидим. Мен шаҳар бераман. Жавобга бир-иккита тахминларим бўлса ҳам атайин шаҳар бераман...

- Буми? Бу - кўзгу, - дейди у мени ютганидан мардона туриб.

Неварамнинг туғилган куни муносабати билан келадиган меҳмонлар ҳақида гап бўлибди. Шунда Юлдуз аясида:

- Туғилган кунимга кимлар келайди, аяжон? - деб сўрабди.

- ...Бувижонларинг билан буважонларинг, хола бувинг, аммаларинг...

- Бўлди, бўлди, билдим... чоллар билан кампирлар келишар экан-да... - дебди.

Айни жийда гуллаган пайт. Кулоғим олдидан бир нарса виб эйтиб учиб ўтди-да, ёнимга тушди. Қарасам у тилла кўнғиз. Оёғи осмонда, жим ётарди. Олдимда ўтирган неварам:

- Бу нима? - деб сўради.

- Бу - тилла кўнғиз, - дедим.

- Тишламайдимми? - деди у кўнғизга қўлини олиб бораркан хавотирланиб.

- Тишламайди, унинг тиши йўқ, - дейман.

Юлдуз тилла кўнғизни қўлига олади. Ҳашоротнинг питир-питир қилишидан китиги келиб, уни у қўлидан бу қўлига

Дилбар МАХМУДОВА



- Ҳазим танлаган қурилиш соҳасининг энг етук мутахассиси сифатида нуфузли касбнинг эгаси бўлдим. Уйдагилар орзу-ҳавас билан уйлантиришди. Хурсанд эдим, ўғилчаллик ҳам бўлди, - дея бошидан ўтганини гапира бошлади Жамол исми бу йигит. - Яхши тўйлар қилдик. Топишим ҳам меҳнатимга яраша бўлгани боис, яхшигина уй ҳам қуриб олдик. Хотиним Гўзал мактабда ишларди. У жуда чиройли

Оқшом эса яна Гўзални, ўғлимни кўргим келди. Бироқ Гавҳар... Уйга келганимда Гавҳар мўлтайибгина қараб қўйди. Кўзларининг қизарганидан унинг тунда ухламаганини, йиғлаганини сезиб турардим. Орадан бир-икки ой ўтди. Гўзалниқига бориб келишим ошқора бўлганди. Гўзал менга Гавҳар билан ажрашишимни айтиб ёлвора бошлади. Мен эса икки йўлнинг орасида қолгандим. Чунки Гавҳар менинг хат-

га бориб ўқишга кирганим. "Бахтсиз бўлдим, ҳеч бўлмаса иш, ўқиш билан овунай", деганим. Шундай қилиб яна бирга яшай бошлагач хотинимда аллақандай ўзгаришлар сеза бошладим.

Бир куни Тошкентдан келган буюртмачилар билан бирга бориб дарвозаларининг бўйини ўлчамим керак бўлди. Уларнинг машинасига ўтирарканман: "Хавотир олманглар, Гўзал. Мен келмайман", - дедим. Баҳор, ҳаммаёқ чиройли. Менинг кўнглим эса негадир хуфтон эди. Бориб дарвозаларини ўлчадим. Энди бориб тахта танлашим керак эди. Шунда уйнинг эгаси: "Укам, бўлмаса ўзим қишлоққа ташлаб келарман" - деди. Йўлга тушдик. Келаяпмиз ўзимни кўярга жой тополмайман. Сигарет устига сигарет тортаман. Соат тунги иккиларда уйга етиб келдик. Дарвозамиз қулфлоглиқ экан. Девордан ошиб тушдим-да эшикни очдим. Қарасам, ичкари хоналардан бирининг, аниқроғи ётоқхонанинг чироғи ёниқ. Қўрқибгани учун чироқни ёқиб ётишибди-да, деб ўйладим. Машинани дарвозахонага олиб киргач меҳмон билан ичкарига кирдик. Аста айвоннинг чироғини ёқдим. Ичкарига кириб хотинимни уйғотмоқчи бўлдим. Ичкарига кирдим у аламдан хайкириб юбордим. Меҳмон ҳам орқамдан чоғиб кирди. Кўрган манзарам дахшатли эди. Шовқиндан уйғонишган мальўнлар ялғоч таналарига ҳадеб чойшабни тортишарди. Мен ошхонага пичоқ топиш учун отилдим. Бечора меҳмоним эса ҳай-ҳайлаб ортимдан чиқди. "Ука, илтимос, ўзингизни қириб олинг", - дерди тинмай. Ичкарига кириганимда қарасам кийиниб олган халиги одам ўзим танийдиган йигит экан. Менинг дағдағамга жавобан: "Ака, нима десангиз денг, бир йилдан буён гаплашиб юрибмиз. Йигитчилик, айбдорман. Нима қилсангиз ўзингиз биласиз. Мен ярашганимлардан кейин гаплашмай қўйгандим. Аммо, хотинингиз..." Хотиним эса чойшабга ўранганича безрайиб турарди. Хотинимга қарасам ҳалиги йигитдан кўз ололмайти турибди. Йигитга қардим-да: "Ука, қилар ишни қилибсизлар, майли энди ҳалолингиз бўлсин бунақа ҳаром-ҳарш иш қилманглар. Никохингизга олиб яшайверинглар", - дея уйдан чиқдим. Ухлаб ётган ўғилчамни кўлимга олдим. Бечора меҳмоним эса: "Ука, укалаб" орқамдан чиқиб келарди. Ярим кечада ота-онамнинг уйига кириб бордик. Онам тинчликми ўзи, нимага ухлаб ётган болани кўтариб олдинг, хотининг қани?" дея сўради. Меҳмонга чой қўйди. Меҳмон ичкарига кириб ётди. Мен эса тинмай сигарет тутатардим. Ҳозир еганимда, ичганимда ҳаловатим йўқ. Тинчим бузилди. Мен иккинчи ҳовлимни сотиб пулини Гўзалга бергандим. Биринчисининг номида эди. Майли, йигит киши учун давлат кўнлинг киридек, гап ачинамайман, лекин... Мен Гавҳарнинг қарғишига қолганимни аниқ биламан. Уни менга айтган гаплари эсимда. Бировга тўхмат қилгандим. Айнан шу хотинимнинг гапига кириб эндигина бошлаган ҳаётимни беғунога аёлга тўхмат қилиб бузгандим. Уволига қолдим. Яқинда Гавҳарни кўрдим. Унинг қўлида чақалоқ бор эди. Эҳтимол у ша чақалоқ... Лекин Гавҳар... Эҳ... Гавҳарнинг айтишича, қўлидаги қизчаси меники экан... Она бўлишини билган куни, кечкурун бу хабарни менга айтмоқчи бўлган қунида мен унга ҳалиги тўхматимни қилган эканман. Ундан кечирим ҳам сўрай олмаيمان. Номардлик қилганман йигит бошим билан... Унинг зор-зор йиғлаб кетганларини эласам... Энди нима қилай, бошимни қайси тошга урай, опажон! Гавҳар, Гавҳар-жон, кечир мени кўзим кеч очилди...

**Дунё ўзи ана шундай яратилган. Ҳар қайси қилмишимиз жавобсиз қолмайди. Йигитнинг келиб-кетганига анча бўлди. Ёмонларнинг баъзан бир-бирига ёмонлик исташган вақтларига кўп гувоҳ бўлганман. Бу воқеа эса мени ҳануз уйлантиради. Жамол билан Гавҳар ярашиб кетишганимкан?**

Басира САЙИДАЛИЕВА



## АЁЛНИНГ СИРЛИ ДУНЁСИ

(Ҳадислар талқини)

**"Оллоҳ таоло: "Одам боласи даҳрни сўқгайдир, даҳр эрса - мен эрурман, тун ҳам, кундуз ҳам менинг илгимдадир!" - дейди", - деб айтган эканлар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам"**

Ҳадис

Даҳр бу сиз билан биз яшаб турган замон ва макондир. У шу туриши, яъни, пасти баланди билан пешонамизга битилган. Биз шу замонга муносибмиз. Тўғрироғи, бизнинг феълимизга қараб замон яхши ёки ёмон бўлажақдир.

Даҳрнинг, яъни замоннинг бир парчаси оиламиздир, у мендир, жуфтимдир, боламдир! Ва ҳаммамиз биргалишиб, худди тўр тўқанган каби ўз тақдиримизни тўқиб борамиз. Гоҳо кўргуликлар рўпара келса, "Бу пешона-да!-деб оҳ урамиз! - Гуноҳим йўқ эса-да, шу кўйга ташлади", - деб айбни Худога тўнқаймиш. Баъзан эса, "Худо яхши кўрган бандасини қийнар экан", деб ўзимизни алқаб қўямиз, яъни қулфат ичра ҳам кибр билан тураемиз! Аслида, Аллоҳ адолатда беназир! Тўғри, ҳар кимсага тақдирини унинг ўзи юборади, фақат феълга қараб! Ҳеч банданинг қисмати бошқасиники билан алмашиб қолмайди! Ҳамма ўз эканини олади.

Аёл - вазир. Аёл - оилада эркакдан кейинги раҳбар. Адолатли қозиликни уйда аёл олиб бориши керак, энг маъқули шу. Шу боисдан ҳам, аввало, аёл илмли ва тарбияли бўлсин деб тилайлик. Қизларнинг дунёқарашини бойитишга қасд қилайлик. Бунинг зарурлиги яна шундаки, болага асосан онанинг жисми-жони ва феълӣ ўтади, рўзгор аравасини эркак тортади-ю, аммо кўзга кўринмас жиллов аёлнинг қўлида бўлади. Оилани муроду мақсадига етказадиган ҳам, жарга қулатадиган ҳам аёлдир!

Дейлик, ўғлингиз гап қайтарадиган бўлиб қолди. Сиз зўр бериб унинг жўраларини орқаваротдан айблайсиз. "Уларга қўшилгандан бери шундай бўлиб қолди", - дейсиз, хато қиласиз! Келинг, шу биргина ҳолатни таҳлил қилиб кўрайлик. Болангизнинг бетга чопарлиги - ўз уйингизда пиширилган ош! Биринчидан, ўғлингизга ўринли-ўринсиз танбех бераверадиган отасини тия билгангизда, боланинг асаби бугунгидай ишдан чиқмасди! Иккинчидан, ҳа деса ака-укаларни бирининг олдида иккинчисини мақтаб ёки камситмаганингизда, болада бундай нафрат уйғонмасди! Учунчидан, эрхотин ўзаро ўринсиз моҳарола ясаб, бир-бирини ҳурматсиз қиладиган хонадонда ҳам болалар ота-онанинг иззатини қилмай қўяди ва ҳоказо...

Бугунги ёшлар аввалгидай эмаслар, деб сиз даҳрни сўқманг. Аксинча, биз - катталар кўнгилдагидай эмасмиз. Ўз болангиз ўзингизга сапчияптими, унинг гувоҳлигида қилган хатоларингиз учун, Аллоҳ болангизнинг ўзидан жазо ясаб сизга юбораётир.

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)  
Турсуной СОДИКОВА

## БИРОВГА ТЎХМАТ



**ҚИЛГАНДИМ...**

аёл эди. Йиллар ўтди. Хотиним иккимизнинг орамизда келишмовчиликлар пайдо бўла бошлади. Сабаби, хотинимга: "Гўзал, ишлаб нима қиласан? Қийналиб қолсан, яхшиси ўғлимизга қарагин", - дедим. Шунга хотиним кундан-кунга жаззакчи бўлиб борарди, мен нима қилишни билмасдим. Ота-онамга айтсам уларни хафа қилиб қўяман. Мени уйлантириб улар ҳам суюнишган бўлса... Охири иш ажралишгача борди. Хотинимни, ўғилчамни соғиниб эзилардим. Уй-жойимни ўғилчам учун ташлаб кетгандим. Яна янги уй-жой кура бошладим. Уйга муҳтожлигимдан эмас, азбаройи иш билан ўзимни овуттиш учун шундай қилардим. Уймакорликдан хабарим борлиги учун тунлари ухламасдан чиройли эшик-даразалар ясай бошладим. Одамлар кўп буюртмалар бера бошлашди. Мен эса тинимсиз ишлардим. Меҳнат ҳар қандай андуҳни нутишга ёрдам беради, деб тўғри айтишган экан. Аста-секинлик билан юрагимдаги аламлар тарақай бошлади. Иш билан бўлиб дардларимни унутсам-да, баъзан ҳаммадан яшириб йиғлардим.

**- Бу вақт ичида оилангизни тиклашининг олоғи бўлмадими?**

- Йўқ. Орадан уч йил ўтганди. Энди ота-онам, опаларим мени уйлантириш пайига тушишганди. Учрашган аёлларнинг бирортаси ҳам Гўзалга ўхшамасди. Ухшатолмасдим. Шу орада бир жувонни кўрсатишди. Исми Гавҳар экан. Кўнглим бир жиг эртандек бўлди. Эри билан бир йил яшаб ажрашиб кетишган экан. Ана шу жувонга уйландим. У чиройли, одобли жувон бўлиб, йўқотган оилавий бахтимни топгандек эдим. У билан яшаб эски дардларимни унута бошладим. Бироқ!.. Бир куни ўғлимни кўргани боғчага борсам, тарбиячи қиз қўлимга бир мактуб тутқазди. У хотинимдан экан. Хотиним ширин сўзлар билан мени жуда соғинганини, уйламай иш қилганлигидан жуда пушаймонда эканлигини ёзди. Хатни ўқиб жуда галати бўлиб кетдим. Кўз олдимга илк севги онлари, келин-қуввлик пайтларим кўриниб кетди. Кейинги гал борсам яна мактуб олдим. Улардан соғинч ва пушаймонлик исси уфуриб турарди.

**- Шундан сўнг хотинингиз билан учрадингизми?**

- Бир куни эса боғчада хотинимнинг ўзини учратиб қолдим. У аянам очилиб кетганди. Бирданига келиб бўйинимга осилди, ўғилчам эса оёқларимга тармашди. Кўзларимга ёш келди. Шу куни тўғри ишга кетдим.

ти-ҳаракатларимни билиб, кўриб турса ҳам бир оғиз қарши гапирмасди. Жимгина ўз ишларини қилаверар, ширин-ширин овқатларим тайёр, кийимларим озода, уйлар ҳам шинам... Нима қилишни билмай юрганимда Гўзал яна шу ҳақда гап очиб қолди. "Келинг, унга тўхмат қиламиз" - деди.

**- Сиз рози бўлдингизми?**  
- Мен аввалига ҳайрон бўлдим. У сўзи-

**Чоршанбадан чоршанбагача —**

**Ташрифларингиз...**

да давом этди. «Барибир ота-онангиз ундан ажрашишингизга қаршилиқ қилишадди. Сиз эса уни хиёнат устида ушлаб олдим, дейсиз». У барибир ўзини оқлай олмайди, деди. Очиғини айтсам, аввалига кўриб кетдим. Чунки бир бечорага тўхмат қилиш... Кейин у қандай бош кўтариб юради?.. Шуларни ўйлаб рад этдим. Йўқ, барибир биринчи муҳаббатнинг сеҳри бошқа эканми қандай қилиб Гўзалнинг макрига илиниб қолганимни билмай қолдим. Буни эшитган ота-онам норози бўларди. «Ўғлим, деди бир куни отам. - Бировнинг боласини бунчалик ҳўрламан. Ахир Гўзалнинг кўзи энди очилибди-ми, бунга аввалроқ ўйлаб керак эди», деди. Афсуслар, минг афсуслар бўлсинки, мен Гўзалнинг ногорасига ўйнадим. Эртаси куни ишдан келаётсам, Гавҳарни маҳалламизнинг марказидаги пойабзалларни таъмирлайдиган устанинг ёнида турганини кўриб қолдим. Шартта машинадан тушиб бақриб тўпалон кўтардим. Гавҳарни машинага ўтиргизиб уйга ота-онанинг олдига олиб келдим. Уларга: "Мана шу келишингизни бир этиқдўз билан дон олишаётганида ушладим", дедим. Гавҳар эса юм-юм йиғларди. Бир оғиз ўзини ҳимоя қилай демасди. Бу эса менинг дағ-дағамни кучайтирарди. Бир пайт у қўлидаги сумкасини айвоннинг четига қўйди. Ўтирди. Менга ёшли кўзларини тикканча: "Жамол ака, сизнинг ҳамма ишларингиздан хабарим бор. Агар хотиним билан ярашаман, кетгим десангиз, тўхмат қилмасангиз ҳам тушунардим. Яхши иш қилмадингиз. Оллоҳ олдида покман. Менга тўхмат қилдингиз. Илоё, бошингизга тушсиз. Шунда бунинг оғирлигини биларсиз", - деди-да, чиқиб кетди. Ишинг бунчалик осонлик билан битганидан мен гумроҳ суюнибман. Шу кундан олдинги ҳовлимга бутунлай кўчиб бордим. Лекин кўнглим гаш эди. Шундай қилиб яна Гўзал билан яшай бошладим. Гавҳар эса шу кетганича қайтиб келмади. Ота-онаси келиб нарсаларини олиб кетишибди. Эшитсам, у Тошкент-



Яқинда мен бир киши билан учрашиб қолдим. Хафта давомида у билан бирга бўлдик. Оиласи билан яқинроқ танишдим. Мени бир нарса ўйга толдирди. Оилада хотинни гапи - гап экан. Бир куни ишонмасида кечки пайт у хотинидан овқат учун пул сўради. Хотини: "Кун бўйи йўлдасиз-ку, овқатланмадингизми?" - дея пул бермади. Эр бўлса: "Сендан берухсат овқат еганим йўқ, ишонмасанг тепамда Худо бор", - деб онт ичди. Мен аввалига у хотини билан хазиллашайтгандир деб ўйладим. Қарасам эр бечора жиддий гапирётган экан. Хайратдан ёқа ушлаб қолдим. Наҳотки, шундай инсон хотинидан берухсат таом ея олмас? Қачонки оилада келишмовчилик бўлди, демак, бу оилада аввало барака, қолаверса ҳаловат бўлмайди. Мен уларни оиласини кузатиб шунга амин бўлдим. Бир куни эр-хотин уришиб қолишди ва эр аламдан хотинининг қўлидан бир даста пулни юлқиб тортиб олди. Хотинига: "Бер, бу пуллар отамники, мен унга элтиб беришим керак", - дея ўшқирди. Сўнг мени ёнимга келиб дардини тўкиб солди. Мен имкон қадар уни юпатмоқчи бўлдим: "Кўйинг, йиғламанг, ахир сизнинг икки қизингиз бўйи етиб қолишибди, мана ўнгилингиз ёнингизда. Шуларни деб ҳаётнинг аччиқ зарбаларига бардош беринг ака, шунда ҳаммиси яхши бўлади", - дедим. У хўнг-хўнг йиғлар, йиғлаганда ҳам ўз мушти билан бошига уриб, ўқиниб-ўқиниб йиғларди...

"Эркинжон, ука. "Бойлар ҳам йиғлайди" деган кинони кўрганмансиз?" - деди. Мен "ха" деб жавоб қилдим. "Мана, қара, тағимда "жигули", "тило", магазини ва ошхона бор. Хуллас, ўзимга тўқман. Бунинг устига Сирғалидаги машина бозорида машина олиб-сотаман. Елиб-югурман. Ўзимни ўтга-чўққа ураман. Бу хотин зотиға яна кам, кўпроқ бўлса дейди. Эҳ, укажон, ҳозир отам шифохонада ётибдилар. Кўзларини операция қилишмоқчи. Мен бу пулларни дори-дармон учун сарфламоқчи эдим. Келиноийнгни важоҳатини кўрдинг, "Пулни отанга бермайсан", деяпти. Мен энди нима қилай? Бошимни қай деворга урай? Ҳа, мен бойман - бой. Ҳамма шундай деб ўйлайди... Бой бўлсам-да, хотиним олдида тилим қисик, нега десанг мени учта укам алдашиб анчага тушириб кетишди...

Айбим нима? Очқик кўнгилигимми? Дилдор эмаслигимми? Қачонгача мен эзилиб яшашим керак? Ахир ёрдам қилсам отамга, жигарларимга қиялпан-ку! Буни нимаси ёмон? Отам шифохонада шифтга термулиб бу ёруғ жаҳонни кўриш умидида Аллоҳга ёлвориб ётса-ю, мен уни дардиға даво топа олмасам. Ҳеч бўлмаса дори-дармонидан хабар олмасам. Мен ҳам йиғтманми? Худо кўрсатмасину, отамга бир гап

бўлса мен қолган умримни қай тарзда ўтказаман? Виждон азоби юрагимни тилка-пора қилмайдими? Хар куни бир ўлиб - бир тирилмайманми? Меҳ-

дадам хасталиқларига қарамай, ётган ўрниларидан туриб, қийналиб мени гофил фарзандини кузатмоқ илинжида кўчага чиқиб келибдилар. Биз

## ЙИГИТ КЎЗИДАГИ ЁШ

рибон падаримни тириклиги мен учун бебаҳо бойлик эмасми? Мени бу аянчли ҳаётим сен учун сабоқ бўлсин! У яна ўқиб, залворли муштра билан ўз бошига уриб



кучоқлашиб хайрлашдик. Дадажоним, меҳрибоним ўша дамда мени бошқа кўрмаслиқларини ички бир сезги ила сезган эканлар. Ҳадеганда бағриларидан бўшатгилари келмасди... Бир пайт қарасам, дадам йиғлаётдилар. Ахир мен 18 йил

## ЎКИ ҲАЁТНИНГ АЧЧИҚ САБОҚЛАРИ

йиғлашга тушди. Шу пайт уни ўғли ёнига келиб дадажонини бўйнидан маҳкам ачомлаб олди. "Ада, нега йиғлаясиз?" - деб сўради. Унинг зорланиб, мўлтираб айтган бу сўзи мени юрагимни поралади, дилимни эзди... Беихтиёр миҷжам намланди...

"Бор, онангни ёнига, мен энди кетаман, қайтиб келмайман", - деди у аламдан титраб. Ўғли бўлса унга баттарроқ осилди. Мен: "Ака, ўзингизни қўлга олинг, эр кишининг йиғлаши яхшилиқнинг аломати эмас... Иродали бўлишга ҳаракат қилинг! Ўғлингизни ёнингиздан ҳайдаманг. У сизни ойи-сидан кўпроқ севаркан, қолаверса барибир унинг томирларида сизнинг қонингиз оқмоқда", - дедим. Шунда у ўғлини ўзгача бир меҳр билан ўз бағрига босди. Хўнг-хўнг йиғлади. Мени ҳам кўнглим бўзилиб кетди ва мен отаболани холи қолдирдим. Орадан бирикки соатлар чамаси вақт ўтгач, у ёнимга келди. Оппоқ юзи бўриқан, кўзи йиғи оқибатига қизариб, ишшиб кетган эди. Аввалига мен билган ажойиб, қувноқ, соддадил инсон энди ақли хайрон, дилпора бўлиб гавдаланиб турарди. Биз сўхбатни давом эттирар эканмиз, унга бошимдан ўтган, бир умр осимдан чикмайдиған армонли фожиани айтиб бердим: ... 1981 йил армия сафига кетдим. Шу куни бахтиёр эдим, акамларни руҳсати билан озгина ичдим. Қайфим тароқ. Хурсандлигимни чеки йўқ эди. Ҳаёлимда бутун Туял қишлоғимизни ахли бизниқида, гўёки тўй бўлаётгандек денг. Хуллас, маросим якуланди. Кеч кирди, энди мени Кўжон шаҳрига элтиб, кузатиб қўйиш учун 3-4 та энгил автоуловда қариндошлар, акамлару-опамлар чиқиб олишди. Мен қарахтирдан ҳатто дадажоним билан хайр-

яшаб дадамни кўз ёшини илк бор кўришим эди.

"Дадажон, нега йиғлаясиз? Ахир мен узокқа кетаётганим йўқ-ку! 2 йил бир пасда ўтиб кетади. Мана 4 та акам армияда хизмат қилишган-ку!" - дедим. Шунда дадажоним мени кўзларимга муңгли термулиб: "Эҳ, афсус-афсус, сен билан синглингни тинчига олмадим", - дедилар ўқинч ила. Мени яна йиғлаб-йиғлаб, қайта-қайта бағриларига босдилар. Бу мени отам бағрида охириги бўлишим эди. Орадан 10 ой ўтгач, 1982 йил 28 июни куни дадам қазо қилдилар. Шу куни бу ҳодисани тушимда кўрдим. Мен Белоруссиянинг Гомел вилоятига қарашли Петриков муңглида хизматда эдим. Эртаси уйга хат ёздим. 5 кундан сўнг телеграмма олиб уйга отландим. Бир хафта ўтгач, уйга етиб келдим. Афсуски, дадажонимни ўрнига бир уюм тупроқни кўрдим...

Мана ўсиб-улғайдим. Оқ-қорани танидим. Уч нафар фарзандим бор. Хўш, энди айтинг-чи, мен отажонимни ўша пайтда охириги марта кўраётганимни, орадан йил ҳам ўтмай совуқ хабар дилимни эзишини билганмидим? "Дада" деган сўзни айтмаганимга ҳам ронпа-роса 20 йил тўлди. Сизни дадангиз, пуштилоноҳингиз бор экан, илоё умрлари узок бўлсин, дардларига яратган эгам шифо берсин! Сиз жуда тўғри қиласиз, зинҳор отадан кечманг! Ота топиламайди... Пул - қўлни қиридек пап, бир бор - бир йўқ... Лекин, ота кетса, у ҳеч қачон қайтиб келмайди... Ҳеч қачон... Шунинг учун бу пулларни олиб боринг, дори-дармон олинг-да отангизга зудлик билан элтиб беринг. У кишидан тез-тез хабар олинг, иложи бўлса ёнларига ётинг", - дедим. У йиғит мени тушунди. Унинг кўзларида ҳаётга бўлган кизиқши аломат-


лари намён бўлди. Отасини ёнига ўғлини олиб, шошиб-чопиб кетди. Мен ўйга толдим. Эҳ, қанийди мени дадажоним тирик бўлганларида, мен бу ерда сиқилиб, мусофирликнинг аламини тортиб, бесамар кезмасдим... Дилим эзилди...

Шу пайт келиноийга кўзим тушди. Уни кузата бошладим. Гўёки ҳеч бир нарса юз бермагандек у ўз сотувчилари билан шодон сўхбатлашарди. У хушчақчақ аёл экан. Ногаҳон бир салбий ҳолат мени ёдимга тушди. Эр-хотинини қўлидан пулни юлқиб олган-да хотин пинак бузмай қулиб турди. "Бу пуллар отам учун!" деб йиғлаганда у мийиғида кинояли жилмайди. Эр йиғлай бошлагач, у буни акси қилди. "Нега йиғлаясиз, одамлар қарашаяпти. Эртага бу ерда қандай бош кўтариб юрасиз? Машиналарни ҳўжжатини, қалитларни ва ўз паспортингизни қолдириб кетинг!" - деди. Ҳа, айнан "кетинг" деди, "келдинг" ёки "қолинг" демади. У балки эрини феълيني яхши билади шекилли пинак бузмади. Бу ҳолат улар учун балки янгилик эмасдир, балки тез-тез юз бериб турар, лекин менга бу ҳолат, бу фожиа ёмон таъсир қилди. Эр йиғлаб, бўзлаб кетаркан ортидан хотини бақириб қолди. "Йўлда йиқилиб қолманг дадаси. Тўғри уйга боринг. Ичиб юрманг тагин аламдан. Кечкурун бирга ичамиз!" - деди. Мен ялғуз элтиб унга қарадим. "Бу аёл спиртли ичимлик ичар экан-да", - деб ўйладим. Мен шунда дадам йиғитни забун ҳолатини бешорам. Уни дардини тушундим. Ўз эркини йўқотган йиғит: "Ичим тўла кам, дардим ичимда, не қилай? Дўсту-душманга сир бой бермайман. Юзим ноилоҳ қулади-ю, ичим зор-зор, қон-қон йиғлайди... Энди сўнгиғи чора-ўлим қолди, ўлим". Мен акахонни сўзларини эслаб титраб кетдим. Ахир бир кун аламдан у ўзини бир нарса қилиб қўйса нима бўлади? Ота бечоранинг ахволи не бўлади? Болаларда нима гуноҳ! Ҳа, дунёда аламли инсонлар бор, гамгузорга муштоқлар бисёр экан. "Гўдак кўзида ёш кўриш фожиа - йиғит кўзида ёш кўриш уч қарра фожиадир!" деганлариди Абдулла Орипов минг бор ҳақ эканлар. Мен буни ҳаётда ўз кўзим билан кўрдим ва амин бўлдим. Беихтиёр акахоннинг: "Менинг бу аянчли ҳаётим сен учун сабоқ бўлсин!" - деган насиҳатларини эсладим. "Табиб табиб эмас - бошидан ўтказган табиб", деб бежиз айтмаган доноларимиз. Бу воқеа барчага сабоқ бўлсин! Хўш, азизлар! Сизлар ҳам балки бу каби фожиани гувоҳи бўлгандирсиз? Балки, айнан сизни бошингизда шунга ўхшаб савдолар бордир? Ёзинглар, фикрлашайлик! Кўпчилик бўлиб бу каби фожиаларни олдини олмаққа интилайлик! Оллоҳдан илтижоим битта: у ҳам бўлса йиғит кўзида ёш кўрмайин!

Эркинжон Ҳаёнобий ўғли ФИДОЙ

Бизнинг оиламиз тинч-тову, лекин... Ота меҳрига тўймай катта бўлмоқдамиз. Онам Тошкент шаҳридан, отам Қашқадарёдан. Отам Тошкентга ўқишга келиб онамни уйларида ижарада яшар ва ТошМида ўқир эканлар. Нима бўлибди-ю, улар бир-бирларини севиб қолишибди. 1987 йил тўй бўлибди. Турмушлари яхши бўлган экан. 1988 йил мен дунёга келганман. Кейин 1990 йил укам дунёга келибди уларни турмушларига қўз тегибди. Отам ўқишни битирганларида, онам менга оғир оёқ эканлар. Отам Тошкентдаги касалхонада ишлар, навбатчиликда кўп қоладиган бўлиб қолибдилар. Онам бир куни отамни қўйлагини юваётиб чўнтағида хат топиб олибдилар. Онама 5 йил ол-

дин қандай ёзилган бўлса, энди бошқа қизга ҳам шундай ёзилган хат эмиш. Онамни жаҳллари чиқиб отамни ишоналарига бориб, у қизни топиб гаплашиб келибдилар. У қиз отам билан ишлайдиган




Онам ҳам турмуш қилдилар жаҳл устида. Биз ўғай отага шунчалик ўрганиб қолдикки, ҳеч ким бизни отаси ўғай демасди. Барака топсинлар,

## АДАЖОНИМНИ ЁМОН ДЕМАЙМАН

ҳамшира экан. Отам онамга «у қизда айб йўқ, мен севиб қолдим, тушун», дебдилар. Оиласи, биз 2 нафар фарзанд кўзларига кўринмабмиш. Улар бизни ўйламай 1992 йилда ажрашиб кетишган. Шунда мен 4 ёшга, укам 2 га тўлмаган бола эдик. Отам бошқа аёлга уйлانган, онам эшитиб роса сиқилганлари ҳеч кўз ўнгимдан кетмайди. Онамни ҳам сўраб юрганлар бор эди.

жуда яхши инсон. Ўзлари бизни жуда яхши кўрардилар. Емай едириб, ичмай ичирдилар, қиймай кийдирдилар. 1997 йил биз учун шодиёна йил бўлди. Биз синглилик бўлдик. Исмини адажоним менинг исмига мос қилиб қўйдилар. Лекин менга алам қилгани ўз отамни шу инсончалик бизга меҳри йўқми. Ишлари яхши, ҳозир жарроҳ бўлиб ишламоқдалар.



Бераётган нафақалари 2 фарзандга 1,5 минг сўм. Ҳозир шу пайтда 1,5 минг сўмга ноақал оёғимизга ҳам бермайди-ку. Мени болам қандай юрибди, қандай ўқияпти деб ҳам ўйламайди-

лар. Кўрганларида жуда бўлмаса, қизим ёки ўғлим яхши юрибсизларми дейишга ҳам арзимайдилар. Ахир мен отамни биринчи фарзандлариман-ку. Адажонимни ёмон демайман. Олдин кичик эканман, эркаланиб ёпишар эдим. Энди катта бўлиб қолдим, уялман. Мен ҳам дуғоналаримга ўхшаб эркаланиб кучоқлагим, ота меҳрига тўйгим келади. Агар ўз

Сизлар онангиз билан фахрлансаларингиз арайди. Сиз онангизга тўғри гапни айтибсиз. Онангизни ҳурмат қиладиган, қадрларига етадиган, сизларга оталик меҳрини берадиган инсон, яъни онангизга умр йўлдоши топилиб қолса, ажаб эмас. Дилнозахон, онангизни юракларига қулоқ солинг.

Хусния ХАСАНОВА

Бухоро вилояти, Пешку тумани

**ЁНГАН ЮРАКЛАРГА МАЛҲАМ БЎЛАЙМИК!**

«Оилангизга шодлик тилаймиз»— 37-сон



Басира Сайидалиеванинг Гулчехраҳон оиласида юз берган дил ўртар воқеалар тўғрисидаги ёзганларини ўқиб, фарзанд доғида куйган аёл бўлганим учун ярам яна янгиланди.

Ахир, биз оналар тўлғоқ азоби билан топан хар бир фарзандимизни ҳаётда соғлом, бахтиёр кўришни истаймиз. Унта бўлса ўналасига бирдек термулиб яшаймиз, киргиттонмиз уларга, шундай эмасми, азизлар? Айниқса, улардан бирининг нотоблигини кўрсак, куйиб ёнамиз.

Эссиз, 16 ёшли ногирон ўғли гамида эзилган Гулчехраҳон: «Ўғлим Дониёр туғилгунча биздан бахтли оила йўқ эди», - дейди. Бу билан «ўғлим бахтсизлик олиб келди», демокчи эмасман. Ногирон бўлса - ҳам у менинг болам, менинг жигарбандим, ахир. Мени бир армон қийнайди ханузгача. Ахир у соғлом туғилганди. Ҳамшираларнинг совуққонлиги натижасида ўғлим шу аҳволга тушиб қолди. Шифокорларнинг айтишича, боламнинг мияси қаттиқ лат еган экан. Туғилганидан кейин бир-икки кунгача яхши эди. Жимгина ухлаб, кейин бирданга қаттиқ йғилга бошлади. Шундан сўнг бизни туғуруқхонадан чиқариб юборишди. Шу-шу умрим йиллаб касалхоналарнинг эшигиде ўтди». Шифокорлар «бизга нима» қабилида туғуруқхонадан чиқариб юбормай,

**Аксесо**

яхши мутахассисларга кўрсатиб маслаҳатлаша, касалликнинг олди тезроқ олинарибди, дея афсусланасан киши! Бундай кўнглисиз воқеалар ўз касбини яхши эгаллаган жонқуяр шифокорлар, ҳамшираларга ҳам кўнглихирлик келтирмайди дейсизми?

Қанийди элимиздаги барча тиббиёт ходимлари «мендан кетгунча, эгасига етгунча» тарзида ишлашмаса, Дониёрнинг ота-онаси, опа-укалари куйиб яшамаган, афсус-надомат чекмаган бўларди.

Масаланинг бошқа томони ҳам жуда ачинарли: Дониёрни тарбия қиладиган опажониси ҳозирда 19 ёшга кирибди, унга совчи кетидан совчи келармишу, бир зумда айнаиб қолармиш.

Муштирапар она бечора: «Биз келган совчиларга мажруҳ боламиз борлигини айтишимиз табиий. Агар биз айтмасак, кўшилларимиз етказишди. Улар ўғлимнинг бу касалликка туғилгандан кейин дучор бўлганини билишмайди. Наслик касаллик дея ўйлаша, ойпопукдек чиройли, оқила кизларим вақтида турмушга чиқа олмадан бахтсиз бўлиб қолишлари мумкин», - дея зорланибди.

Бу дард устига чипқон эмасми? Ахир, инсон бир-бирининг кўмаги билан тирик. Дардага малҳам бўлиш, керагида ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдамни ўзгалардан аямаслик

ўзбек халқининг азалий удуми. Шундай бўлгани ҳолда Гулчехраҳоннинг кўни-кўшилари, қариндош-уруғлар, маҳалла раҳнамолари шу масалада меҳрибонлик кўрсатиб, келган совчиларга тўғри тушунча беришса, савобга қолади-ку! Одатда бундай инсонларни «жаннати» дейишади.

Шундай ажойиб замонамизда ҳали ҳам майда гап, ўзгалар азиятини кўриб, завқланадиган кимсалар борлигидан афсусланасан киши.

Гулчехраҳон, дардингизга қўллаб муноси онахонлар номидан шерикман, саргузаштларингизни ўқиб, аламларим янгиланди. Дониёрнинг дардини енгиллатувчи, кизларингизга бахт ато этувчи ҳам ёлғиз Эгамнинг ўзи. Оила азозларингизга, айниқса, Оллоҳ синовларига дош бериб яшаётган ўзингиз ва болаларингизнинг отажонисига сабр-тоқат тилайман. Яратганингиз каби Дониёржонни боқиб, соғлом фарзандларингизни оёққа қўйишга чидам, куч-қудрат ато этсин. Фейли ёмон кўшилларингизга инсоф бериб, дилга раҳм-шафқат, сизларга кўмаклашиш уругини сочсин!

Ҳа, азизлар, ҳаммамиз ёнган юракларга малҳам бўлиб яшайлик! Кейинги ҳаётингиз ҳақидаги янгиликларни севимли газетамиз «Оила ва жамият»дан интиқлик билан кутиб қолувчи.

Афифа ХАСАН қизи

**ЭСЛАТМА:** Ўғлим Дониёрбек мажруҳ бўлиб, эрим иккимиз бор меҳримизни шу боламизга бағишладик. Аммо кейинги фарзандларимиз ҳам улғайиб қолишди. Соғлом фарзандларимизнинг ҳаётига ёрдам бериш учун Дониёрни вақтинча мажруҳлар интернатига берсакмикан? Чунки унинг касаллигини наслик касаллик деб, кизларимга совчилар келмай қолиши ҳам мумкин.





**Севимли келинимиз ФЕРУЗА!**

Ота уйимизнинг фариштали, сариштали бекаси! Ҳозир ёш бўлсанг-да, онамиз ўрнига онамиз бўлиб қолдинг. Хар биримизнинг қувончу-ташвишимизга шерик бўлиб, меҳр бераясан. Ҳаммаси учун сенга раҳмат. Таваллуд айёминг билан қизгин қутларканмиш соғлик, бахт тилаймиш.

Укамиз Асатулло иккинчизга қўша қариб, узок умр кўриш саодати насиб этсин.  
**Опаларинг номидан БАСИРА**



**Меҳрибон ва азиз бувижоним!**

Сизни 19-декабр — таваллуд кунингиз билан табриклайман, сизга дунёдаги энг эзгу тилакларим билан биргаликда умрбоқийлик тилайман. Фарзандларингиз бахтига ҳамиша соғ-саломат бўлиб юринг.

**Неварангиз Умарова Дилрабо**



**Суюкли фарзандимиз Кудратжон ҚАРШИБОЕВ!**

Сени кириб келаётган 2003 йил — Янги йил байрами билан табриклаймиш. Сенга узок умр, сизхат-саломатлик, ўқишларингизда омад, Оиламиз бахтига доимо омон бўлгин.

**Дадажонинг Исломжон, ойижонинг Нозигул Олмалик шахри**

**Куйи Чирчиқ тумани ИИБ бошлиғи милиция подполковниги Иброҳимжон САЙДУЛЛАЕВНИНГ**

20 декабр — таваллуд топган куллари билан чин дилимиздан қутлаймиш. Янги йилда сизхат-саломатлик, ишларига ривож тилаймиш. Оиласи бахтига доимо омон бўлсин.

**Ҳурмат ила дўстлари номидан Хусанбой АВВАЛОВ**

**ИЛОН - ЭАЧИ ЭКАН...**

Момомнинг ўн ойлик набираси тўсатдан оламдан кўз юмди. Қизалоқнинг онаси бу жудаликка чидалмай, ҳар кун: "Қизим, Ферузам, мени ташлаб қаёқларга кетдинг?" дея бўзлайверар, рангида ранг қолмаганди. Шу тахлит ойлар ўтаверди. Аёл эса "болам" деб бўзлашни ҳеч кўймади. Бир кун момом обдон келинини опатиб, сўнг ўзининг ҳам кўнгли бузилибди, дуои фотиҳа қилгани қабристон томон кетибди. Қурьон сураларини узок тиловат қилиб ўтирибди. Бир пайт кўзини очиб қараса, шундоқ рўпарасида бир илон момомга тикилиб турганмиш.

Момом илондан кўрмабди, лекин кўнгли ниманидир сезгандек бўлиб: "Ҳа, жонивор, сенинг айтганинг рост", деб шивирлабди... Шундан кейин момом келинига: "Сен энди ҳадеб бўзлайверма, Аллоҳнинг қаҳри келибди, чоғи..." дебди ва бўлган воқеани гапириб берибди. Момомнинг келини ахирини жудаликка кўниқибди, ўзини иш билан чалғитиб, юзига ранг қарибди. Эҳ, дунёда биз билмаган сиру синоатлар ҳали жуда кўп экан...



**Чўлпоной МЕЛИҚУЗИЕВА**

**ҚАЙНОТАМНИ КЎРГАНДИМ**

Бу воқеа 12 йил муқаддам тушимда акс этганди. Талабалик даврида баҳорги имтиҳонларга тайёрланиб юрган кезларим эди. Соат 2-3да бўладиган ухлашга ҳозирланардим ва албатта ёстигим остида китобим турар эди.

Уша тун ҳам алламаҳал бўлган эди. Жойимга кириб ётаман-у, 3 кундан сўнгги имтиҳонни ўйлаётиман. Тун. Соқин оқшомда юдузлар жилоси мени ўзига мафтун этиб кўзим илинибди. Тушимда қандайдир баланд иморат, тепадан бир дўппи кийган, қора костюм шимда, гавдали, оппоқ юзли кексароқ, лекин кўзлари менга тикилиб, юқорига мени ундаётган киши гавдаланди. Мен 3-қаватга кўтарилдим. Ул киши эса яна баланд қаватга чиқар, менга кенг-оппоқ эшикли уйни кўрсатар эди. Мен 3-қаватдаги хонани эшигини, айнан ўша киши кўрсатган эшикни очиб ичкарига кирмоқчи бўлаётганимда у киши тепадан менга қараб турар эди. Мен уйғонган таъбирини имтиҳонга йўйиб қўйдим. Демак, янги уй эшиги имтиҳон, кирмоқчи бўлганим - баҳо, у одам-имтиҳон олувчи ўқитувчи дея ўйладим. Айтганим-



Кеч бўлгач иккилана-иккилана куёв тўрадан сўраганимда ўша киши - қайнотам эканлигини айтдилар. Бу расмларини вафотларидан сўнг ишлатишган экан. Хуллас, ўша тушим яна кўзим олдида яшин тевлигида жонланди. Тонгда яна келин саломга киргач, ўша сурат тўғрисида келиб салом берганимда, қайнонам: «бу кишини қаердан биласиз»-дедилар. Мен тушимда кўрганларимни айтганимда ишониб-ишонмадилар. Лекин, бу туш таъбири ханузгача давом этапти. Чунки 3-қаватга кўтарилиб чиқшим 3 фарзандимга ишора экан, менимча. Ҳозир эса туш-олдиндан башорат дея ўзимга таскин берадиган хулосага келганман.

**Дилбар НОРМУРОВО Термиз шахри**

**КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ**

- Мен сершовқин станоклар ўрнатилган ҳақда ишчи бўлиб ишлашман. Эшитишимча, бу шовқиндан пайдо бўладиган касалликларни касб касалликлари дейишаркан, шу ҳақда маълумот берсангиз?  
**Ҳ. МАМАТҚУЛОВА Юнусобод тумани**

Шовқин ва тебраниш муттасил таъсир этиб турганда асаб бузилиб, организм ҳолдан тояди. Шовқин ва тебранишни эшитиш, асаб ва юрак-томир тизимига специфик таъсир кўрсатиб, уларнинг у ёҳуд бу даражада бузилишларига сабабчи бўлади. Қон босими ўзгаради, диққат пасаяди, иш аниқ бажарилмайди, натижада яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши мумкин.

**Саломатлик**

Касб касалликларининг бир неча турлари бор. Кимёвий моддалар ишлаб чиқариладиган цехлардаги ҳаво асаб тизими, жигарга, буйракка кучли таъсир этади. Улардан толиол, ксилол, стирол спиртлари қон айланиши ва нафас йўллари, скипилар эса кўпроқ аллергия кўринишидаги тери касалликларини келтириб чиқаради. Ишчининг аҳволи, чарчоқлик, тинка-мадор қуриши шундай касаллик аломатларидан дарак беради.

Чанг таъсирида нафас йўллари, ўпка ва терининг бир қатор касалликлари келиб чиқиши мумкин. У терини ифлослантириб, ичак шиллиқ қаватига ҳам таъсир қилади.

Агар одам тўғридан-тўғри қуёш нурида ишласа, уни офтоб уриши мумкин. Бу ҳолда аввал юрак теши-тез ура бошлайди, асаб тизими иши изидан чиқиб, одам ҳолсизланади, танада қон айланиши бузилади. Тана ҳарорати 42С. гача кўтарилади. Бу эса оғир юрак фалажига олиб келиши мумкин.

Ушбу кўрсатмаларга риоя қилсангиз, ўз саломатлигингизни ҳимоя қилган бўласиз.  
**М. ЭРГАШЕВА, Тошкент вилояти Саломатлик марказининг директори**

**"Madina Begim"**

**3 ОЙЛИК:** Сартарошлик (3-ой амалиёт); Уй ҳамшираси (3-ой амалиёт); Массаж, умумий (3-ой амалиёт); Инглиз тили. Бошловчи ва давом эттирувчилар учун. **2 ОЙЛИК:** Косметология; Компьютер (индивид.); Тасвирий манжор; Эрақлар сартароши (2-ой амалиёт); Парда ва покривал тикиши (Элита усулида); Тикувчилик - 5 ой. Кўлда тўқиш; Пальто ва плащ тикиши. **1 ОЙЛИК:** Манжор, тасвирий; Кандолатчилик, (торт безаги) олий курс сирасорлари билан ўргатилади; Сартарошлик, тўй-оқшом гуллари.

1-Манзил: "Хадра" меҳмонхонаси ичида, 5-қават, 510-хона. Мўлжал: Циркнинг ўнг томонида 9 қаватли бино, 144-93-75. 2-Манзил: Алгоритм мавзеси, 126-мактаб ичида. Мўлжал: 13, 69-автомобилнинг охириги бекати. Тел.: 144-2811, 45-95-48, 170-58-00, 144-94-96

**"КАМОЛ-КОМПЬЮТЕР"** ўқув маркази таклиф қилади.

**3 ойлик курслар:**  
- Инглиз тили, - Инглиз тили ва компьютер, - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер билимлари, - Банк иши ва компьютер билимлари, - Теле-радио-видео апаратураларини таъмирлаш устаси, - Рус тили, - Компьютерларни таъмирлаш устаси  
**2 ойлик курслар:**  
- Компьютер билимлари: (Windows-2000, Ms Office) INTERNET, E-MAIL, - Бухгалтерия ҳисоби, - Енги автомобилларни электр қисмини сошлаш. **1-С Бухгалтерия** дастури — **1 ойлик.**  
- Компьютер, принтер, телевизор таъмирлаймиш.  
**Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади. Манзилимиз:** Тошкент, Навоий кўчаси-9, "Пищепром" лойиҳа институти биносининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.) Тел: 41-33-96, 41-07-82

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА БИЧИШ ВА ТИКИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ «МОҲИР ҚўЛЛАР»**

Куйидаги пуллик курсларга қабул эълон қилади:  
— Модели-технолог (бичиш-тиқиш курслари) — 2; 4 ойлик; — Эрақлар кийими — 2 ойлик; — Аёллар костюми, палтоси, плащчи — 3 ойлик; — Даргарда, парда, чойшаб, ёстиқ, дастурхонлар — 1,5; 3 ойлик.  
Битирганларга диплом берилади.  
Қабул ҳар кун (якшанбадан ташқари) соат 10 дан 14 гача.  
**Манзилимиз:** Пушкин кўчаси, 7-уй, 3-бизнес мактаби, 4-қават, 524-хона. Мўлжал метронинг "Амир Темур" бекати, Магазин "Top moda", Тел: 133-73-97, 76-71-95.

**УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ҲОЗИЕВИЧ**

**ЭНУРЕЗ ҲАСТАЛИГИ БИЛАН ОФРИГАН КОВУГИ БЎШ 10 Ёшдан ошган УҒИЛ ВА ҚИЗ БОЛАЛАРИ БАТАМОМ ДАВОЛАЙДИ.**  
Буйрак, қовуқ, простата бези касалликларини аниқлайди ва ДАВОЛАЙДИ. Қабул вақти сешанба, чоршанба, пайшанба, якшанба куллари соат 9.00 дан 18.00 гача.  
**Манзил:** Тошкент тумани, Генерал Собир Раҳимов номли жамоа ҳўжаллиги, Бобоев кўчаси, 12-уй. "Чорсу" шохбекатидан 464, 469, 522-автобусларнинг "Генерал Собир Раҳимов" бекатигача борилади. Телефон: 8 296 56023. Лицензия рақами 3271

**"Санам Сервис"**

Ўқув маркази билан Тошкент Давлат Техника Университети қошидаги SIMUZ техника маркази ҳамкорликда замонавий касб-хўнар курсларга таклиф этади.  
**4 ойлик:** 1. Бичиш-тиқиш (чоқдан бошлаб). 2. Гангкорлик (гиги билан ишлаш).  
**3 ойлик:** 3. Торт (келин-куёв шаклида) пишириш, салатлар (олий даражадаги кулинерия, 10-кун). 4. "Элита" парда, чойшаб ва эстиклар тикиш, ўй безаш. 5. Ҳамширлик (амалиёт билан). 6. Ухалаш (амалиёт билан). 7. Радио-техника таъмирлаш. 8. Инглиз тили (бошланғич ва давом эттирувчилар учун). 9. Бухгалтерия. 10. Компьютер MS-DOS, NC, LEXICON, WINDOWS-2000, COREL DRAW, Orcalc, Novell, Base, Fox Pro, Clipper, PCAD, ORCAD, AVTOSCAD. Компьютер тузатиш ва техник хизмат кўрсатиш.  
**2 ойлик:** 11. Косметология. 12. Сартарошлик. 13. Фантазия гул безак ясаш.  
**1 ойлик:** 14. Бадий манжор ва педикюр.

**1-Манзил:** Миробод туман "Марказий Темир йўллар маданият саройи. Моворунҳар кўчаси, 30-уй. Мўлжал — метронинг "Тошкент" бекати, Темир йўл кассасининг қаршисида.  
**2-Манзил:** Миробод туман "Афросиёб кўчаси, 5-уй. Мўлжал — метронинг "Ойбек" бекати ёнида жойлашган 16-қаватли бинонинг 1-қавати. 57, 67, 85-автобуслар.  
**3-Манзил:** Собор ҳақиси, 310-лицей-мактабининг 1-қавати.  
**4-Манзил:** Собир Раҳимов тумани, Нийзова кўчаси, 6-уй. Талабалар шаҳарчасидаги 80' ётоқхонанинг 9-қават, 13-хонаси. Мўлжал — Нукус кинотеатри ёнида. Ал-Нажот клиникаси орқали қирилади. Тел.: Соат 8 \*дан 22\*гача 49-18-71; соат 10 \*дан 17\*гача 56-34-10, 46-58-11, 46-49-16; соат 17 \*дан 22\*гача 40-20-59

**Эртақ персанажлари ва келин-куёв шаклларидаги тўй торларини (этажеркада) ўргатаман, буюртма оламан. Тел: 72-34-64.**

Абдулҳай Абдураҳмоновнинг "Саодатга элтувчи билим" китоби нашрдан чиқди. Унда азиз авлиёлар, дин, пайгамбарлар тарихи, Исламдаги сўфийлик, тасаввуф, фалсафа, файласуф даҳолар, "Авесто" китоби, "Зардўштилик" дини ҳақиқидagi маълумотлар ўрин олган.  
Китоб Тошкентдаги Чорсу "Китоб пассажи", "Демир" супермаркети, "Шарқ зинқори", "Беруний метроси" ва "Эски жўва" бозори китоб дўконларида, "Кўкча", "Бодомзор", "Қамолот" дарвоза масжидларида сотилмоқда. Нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан харид қилмоқчи бўлганлар учун манзил: **700042, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, "Кўкчилар" кўчаси. Тел: 42-43-96**



Профессор Эргаш Салимов клиникаси барча турдаги аллергия, бўғин, ошқозон-ичак хасталикларини, касалманд, нимжон болаларни махсус усулларда даволайди. Бронхиал астма хасталигида гормонал дорилар қўлланмайди. Аллергик касалликларни аниқлаб, даволашда турли аллергияларни қўйиб синалади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача.  
**МАНЗИЛИМИЗ:** Тошкент, Уйғур Хўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Автобуслар — 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай — 8. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 42-56-50.



(Боши ўтган сонларда.)

Ахир кутиб турган ойижониси маҳкам кучоқлаб олди. Қўйиб юбормас, тинмай юзларидан ўтарди. Шу пайтгача баъзур ўзини тутиб келган ойисини кўзларидан дув-дув ёш тўкилар, ҳечам ўзини кўлга ололмасди. Буни кўрган Шерзод-

қолмаганида йқирилиб тушган бўларди. Дарҳол ўриндиққа ўтқизишди. Дилдоранинг ойиси кўллари ни массажа қилар, дадаси елпиб шамол берарди. Кимдир топиб келган сувни ичиришиб, юзига сеппишди. Бироз ўзига келган ойиси нуқул:

# ХАЁЛИМ ЎҒРИСИ,



- Нега, нега ахир меннинг ўғлимни Афғонистонга олиб кетишади, - дерди. Кўп ўтмай Шерзоддан хат келди. Бири дадасига, бири ойисига эди. Бир неча кундан кейин яна бир хат келди, бу сезганингиздек Дилдорасига эди. Унда Украинага тушишгани ҳақида ёзарди. Шундан сўнг ойиси анча тинчланди. Шерзод уйига, Дилдорага тез-тез хат ёзиб турарди. Бу ер ўқув пункти бўлиб, Афғонистонга десантчиларни тайёрларди. Орадан 6 ой ўтгач, десантчи байналминал жангчиларни Афғонистонга олиб киришди. Шерзод у ерга тушгач ҳам хат ёзишни камайтирмади. У Афғонистонда эканлигини ойисидан, Дилдорадан яширди. Бу ҳақда фақатгина дадаси хабардор эди... Хатларида биз ҳеч қаерга кўчмас

# БИРИНЧИ МУҲАББАТИМГА

ни ҳам кўнгли бузилди. Худди ойижонини бошқа кўрмайдигандай бўлиб кетди. Ортик чидай олмади. Канча ўзини кўлга олишга уринмасин кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Ойиси энди ўзини кўлга олди. Охириги марта бағрига босиб пешонасидан ўтди. - Ой бориб омон қайт ўғлим. Биздан, Дилдорадан кўнглинг тўқ бўлсин. Шерзод хижолатдан қизариб бир ойисига, бир Дилдоранинг ойисига қаради. - Ха ўғлим, ҳечам хавотир олма, ҳаммаси сенлар айтгандай бўлади. Худо хоҳласа, - деди. Шу пайт кимдир Шерзод деб бақирди. Бу кузатишга чиққан ўртоқларининг ичиди кўринмаган, энг яқин дўсти Собирнинг товуши эди. Нима гап-лигини тушунган ойиси борақол кетди. У дўсти томонга қараб югуриб кетди. Икки қадрдон кучоқлашиб кетди. - Энди бор, сени ҳеч кимга ишонмайдиган билан хайрлашиб ол. Сени инсофинг борми, шундай кетмоқчисан шекилли. У дўстидан ниҳоятда хурсанд бўлиб кетди. Собир ваъдасини устидан келганди. Дилдорани шу ерга олиб келганди. Шерзод киприклари ёшланиб турган маликасини бағрига босди. - Эй, эй энди сен ҳам йиғлаясанми. Ҳеч бўлмасан сен хурсандчилик билан кузатсанг-чи. Сенинг кўзларингда ёш кўришни хоҳламайман. Мени кутасанми, шунга айт? Дилдора Собирдан уялишни ҳам йиғштириб уни қўйиб юбормас эди. - Ўлгунимча кутаман, қанча бўлса ҳам кутаман, умрим етгунича кутаман сизни. Ҳамма поездга чиқа бошлади. Шерзод хайрлашув соатлари тугаганини хис этди. Севишганлар зўрга ажралишди. Дўсти билан яна бир бор кучоқлашди. - Бу яхшилигингни унутмайман дўстим. Шундай дея у югуриб кетди. Деярли ҳамма вагонга чиқиб бўлганди. Онасини келиб қучди ва халтасини олиб вагонга чиқди. - Хайр, яхши қўлинглар, - қичқирди у. Поезд ўрнидан қўзғалди. - Ўзингни эҳтиёт қил болажоним. Хат ёзишни унутма. Онаизорни товушини одамларнинг бақир-чақирга босиб кетди. Ҳамма поезд ортидан қўл силкииб кетди... Кузатувчилар вокзалдан чиқа бошлади. Одамларнинг ичиди кимдир: «Буларнинг ҳаммасини Афғонистонга олиб кетишаётган экан, билишимча», деди. Буни эшитган ойиси оёқлари қалтираб, беҳол бўлиб ёнида бораётган дадасига суянди. Агарда дадаси ушлаб

эканмиз. Хизматлар яхши, соғ-саломат ўйнаб қулиб юрибман дерди. Аслида-чи бу пайтда энгил ярадор бўлиб, бир ўлимдан қолганди. Бир ой дала госпиталида ётди. Сафдошлари, қуролдош дўстлари нима учун, ким учун урушаётганини билмасдан қурбон бўлишаётганди. Буларни кўрган Шерзод ич-ичидан эзилар, қийналарди. Энг яқин бўлиб қолган қуролдош дўсти Ботирнинг кўз олдига ҳалок бўлиши ҳаммасидан ошиб тушди. Тўсатдан бошланган отишма ҳаммани шошириб қўйди. Душман кулай жойда жойлашиб олган бўлиб, битта-битта қирарди. Шу пайт Шерзоддан сал нарироқда жанг қилаётган Боти у йиқилди. Буни кўрган Шерзод ўша томонга интилди. Ботир оғир аярланган бўлиб, тинимсиз қон оқарди. Вақт тигиз. Ботирни орқасига олди-да медсанбат жойлашган томонга югуриб кетди. - Шерзод, мен барибир ўламан, - дея инграрди у. Бир томондан афғон шамоли кўз очиргани кўямасди. - Ундай дема Ботиржон, сен ҳали кўп яшайсан. Озроқ чида. Фақат озроқ чидасан бўлди. Ҳозир етамиз, камроқ қолди. Тўйингда ўзим жўрабоши бўламан, ҳали биз кўп яшаймиз. Чанг- тўзон, атрофда дайди ўқлар вирилди уларди. Булардан анча узоқда граната портлади. Душман гранатамётдан отганди. - Илтимос, шу ерда тўхта. Гапларимни эшит, у баъзур гапирарди. - Агарда бу ерлардан эсон-омон қайтолсанг уйга кир. Отам билан онамга далда бўл. Наргизага айт, турмуш курсин. Дилдоранга мен-ни са-ло-лом ет-каз,- у оғир тин олди, каттиқ ингради. - Ҳаммадан онажонимга қий-ин бўлди. Бора-с-а-на дўс...- гапини охирига етказмасдан жимиб қолди. - Албатта бораман. Бирга борамиз. Ўзим онамдан суюнчи оламан. Ўлим кўравериб лоқайд бўлиб қолган Шерзод Ботирни кучоқлаб ўқиб юборди. Кўзларидан дув-дув алам ёшлари оқарди. Ботирнинг юраги уришдан тўхтаганди. - Ҳў дўстим, дўстим, қандай орзуларинг бор эди-я, жўражон. - Қалбини эзиб кетган гапдан елкалари силкиниб-силкиниб йиғларди. Онадан ҳеч нарсани яшириб бўлмади. Она юраги сезади. Шерзод қанча яширмасин, она қалби буни сезарди. Вақти келиб Дилдора ҳам, ойиси ҳам бундан хабардор бўлишди. Хатларида Шерзод дадасини, укаларини, сингилларини соғлиқларини сўрар,

хали ҳам Украинадамиз, хизматлар яхши, - дерди. Ойиси ҳам ўзини билманганга солар, Украинада ҳам ҳаволар совуқдир, иссиқ кийиниб юргин. Ўзингни эҳтиёт қилгин болажоним, - деб тайинларди. Хизматга ҳам бир йилдан ошиб қолди. Кеч куз. Изгириш шамол. Дарахтларнинг олтин барглари ер билан битта бўлиб ётибди. Яқшаба -ҳамма уйда. Далада ҳам ишлар тугаган. Соат ўнлар чамаси ёғочдан ишланган қўқ рангдаги дарвозани олдига усти ёпиқ ҳарбий машина келиб тўхтади. Машинадан ҳарбий формадаги киши билан бирга, бўйинбоқ таққан басавлат бир киши тушди. Дарвозани Шерзоднинг дадаси очди. Ҳарбий кийимдагиларни кўриб шошиб қолди. - Қани келинлар, келинлар, марҳамат. - Раҳмат, Дилмурод Дониёровни уйлари шу ерми? - Ҳа, шу ер, - ичи шув этиб кетди. Энди ҳарбий формадаги кишига хавотир билан тикилди. - Мен Дилмурод Дониёров. Дилмурод акани бир неча кундан бери юраги нотинч эди. Бир томондан хотинини мазаси йўқ. - Дилмурод ака, мен райондан вакилман, - гап бошлади тараддуланиб басавлат киши. - Шерзод Дониёров ўглингиз бўладими? - Ҳа ўғлим, Шерзодга нима бўлди, - деди баъзур. - Бардам бўлинг энди Дилмурод ака. Бандалик экан. Ҳеч бир сўз айтмасдан турган ҳарбий формадаги киши Дилмурод аканинг кўлига қоғоз тутди. Дилмурод ака хуши бошидан учиб, қўлидаги қоғоз билан дарвоза олдидаги тахтага ўтириб қолди. Аскарлар темир тобутни ичкарига олиб киришди. - Йўқолинларинг, - деди нафрат билан, - йўқолинлар, - деди йиғлаб. Тирик ўғлини бир лаҳзада йўқотган бечора ота темирни кучоқлаб ўқиб юборди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ, касал ётган шўрлик она темир тобутни кўриб хушидан айрилди. Машина кўздан ғойиб бўлди. Қий-чув, бир зумда бутун қишлоқ йиғилди. Ҳеч кимнинг ишонгиси келмас, онанинг аҳолини таърифлашга сўз ожиз. - Чимилдиққа кирмаган болам. Онанг ўлса бўлмасмиди, болажоним. Шўрлик она фарёдига ерлар титради. Ҳатто яқинда баргини тўккан дарахтлар ҳам гамгин бўлиб ерга тугилди. Бутун қишлоқ мотам тутди. Осмонни кузнинг қора булуту қоплаганди. Бечора қиз. Орзулари армон бўлган, кутганлари сароб бўлган шўрлик қиз. Унинг ҳам ҳолатини таърифлашга қаламимиз ожиз. У аза оқиб, кўк кийди. Шерзоднинг барча маъракалари ўтгуна хизмат қилди. Йиғлай-вериб кўзида ёшлари қуриди. Орадан ойлар ўтди. - Дилдора, - чиройли кўзлари гамгин бу қиз қайрилиб қаради. Шерзоднинг яқин дўстлари бўлган Собир ва Бобир, яна бир бегона йигит келарди. Бобир оқсоқланиб келарди. У ҳам Афғонистонда сапёр бўлиб хизмат қилган бўлиб, мина ўнг оёгини олиб кетганди. Дўхтирлар уни ҳаётини сақлаб қолишди. Бобирнинг ҳам, Собирнинг ҳам қовоқлари шишган, ҳозиргина йиғлагани кўриниб турарди. - Яхшимисиз Дилдора синглим, яхши орибсизми, - сўради Бобир. - Раҳмат, шукр. Узингиз тузукми, - деди. - Худога шукр. Танишинг, - деди. - Бу Шерзодни қуролдош дўсти. Худо раҳматли дўстим бир-икки нариса тайинланган экан, - дея ўпкаси тўлиб Собирга қаради. Дилдора энди бегона йигитга қаради. Қорачадан келган салобатли йигит вазмин овозда дона-дона қилиб гапирга бошлади. - Синглим, биз Шерзод билан елкамаелка туриб ҳаёт учун курашганмиз. У сизни жондан ортиқ яхши кўрарди. У ҳақиқий дўст, топилмас инсон эди. Мен сизни ярангизни янгиламоқчи эмасдим, лекин сиз буни билишингиз керак. Дўстим ўлимни олдиан бир хатни сизга топширишимни менга васият қилиб қол-

дирганди. Мана бугун дўстим васиятини адо этдим. Шерзод ҳақи- хурмати ҳамма вақт сизга ёрдам беришга тайёрман. Шерзоднинг барча дўстлари бунга тайёр. У шундай дея матога ўроғлик бир хатни узатди. Қиз юм-юм йиғларди. Шерзоднинг қуролдош дўсти Собир билан Бобирни елкасидан тутди ва учаласи қизни ёлғиз қолдириб, аста-секин юриб кетишди. Қиз кўзларидея ёш билан хатни очди. Ёзувни таниди, хатни юзига босди. Ҳаёлим ўғриси, мен учун азиз бўлган биринчи муҳаббатимга! Мен учун дунёда ягона бўлган азизим Дилдорамга. Жоним, мени кечиргин. Шу пайтгача оймидан ҳам, сендан ҳам қаерда хизмат қилаётганимни яшириб келдим. Сизларни ваҳимага тушиларингни хоҳламагандим. Биламан, ойим барибир сезарди. Дилдора, эсингдами, биринчи марта учрашганимиз. Биринчи хатлар ёдинганди. Уша пайтлар қандай бахтиёр эдик. Лекин олдинда бизни нималар кутаётганидан бехабар эдик. Начора, тақдир экан, аччиқ қисмат. Бу хатни ўқийётганимда мен бу ёрғу оламини тарк этган бўламан. Мени кечир жоним, бу охириги чорам эди. Мен ўлимга осонликча таслим бўлмадим. Умрим охиригача ҳаёт учун курашдим. Сени бахтли қилиш учун, ойижонимни кўзидан, сингилларим, укаларим, дадажоним кўзида ёш бўлмаслиги учун, сенинг кўзларинг на-мланмаслиги учун соғ-саломат қайтишга интилиб яшадим. Начора пешонамга шундай ёзилган экан. Ҳар гал урушга қираётганимда ушбу хат борлиги сени олдинда қарзимни узиш чораси эканлиги юрагимга таскин берарди. Сизларни ҳам қийнаб қўйдим. Айниқса ойижонимга қийин бўлди. Дилдора, жоним, бу сенга охириги ва сўнги илтимосим. Агарда севгинг рост бўлса васиятимни ерда қолдирмайсан. Сен мен учун, иккимиз учун яшашинг, оила қуришинг ва албатта бахтли бўлишинг керак. Кутаман деган сўзларингни унут. Агар васиятларимни адо этсанг, ўшанда тинчгина мангу ухлайман. Ўшанда мени руҳимни шод этган бўламан. Мен сендан мингдан мианг розиман. Сен ҳам рози бўл... Аёз қишинг аччиқ соғувида ҳамма уй-уйларига қочинган. Кўчада деярли одам кўринмайди. Қоп-қора волга машинаси қишлоққа кириб келди. Машина тўғри қабристон дарвозаси ёнига келиб тўхтади. Ундан учта йигит ва қалин кийинган, рўмон ўраб олган бир қиз тушди. Икки йигит машинанинг орқасидан мрамартшош тушириди-да, машинани ёниб қабристонга қараб юришди. Орқасидан қиз билан бакуват йигит ҳам оқсоқланиб уларга эргашди. Улар оқ мрамартшош қўлига қабр ёнига келиб тўхтади. Бу мрамарт Шоердга ота-онаси томондан қўйилган ёдгорлик эди. Бари қабр ёнига чўкди, улар орқасидан етиб келган гўрков вазиятини тушунди. Марҳумни ҳақига қурьон тиловат қилди. Гўрков ҳамма шароитни тайёрлаб қўйганди. Мрамартшош ёнига яна ёдгорлик ўрнатишди. Мрамартшошга «Суюқлигиндан ёдгорлик», деб ёзилганди. Йиллар ўтди. Қиз ўқига кирди. Ўқини битириб, ота-она ораси билан кўшни туманга бир қилндошига турмушга чиқди. Ҳавас қилгудек оила. Вақти соати келиб фарзанд қўришди, ўғил. Ўғлини исминини Шерзод қўйишди. Ўғли биринчи муҳаббатига худайим ўхшаб кетарди. Қиз қишлоққа келаркан, доимо йигит қабрини зиярат қилади. Қиз йигит васиятини адо этганди. Қачон қабристон ёнидан ўтар эканман, гуллар уни чиққан мунғайиб турган икки мрамартшош қабрга боқарман. Мрамартшошга ёзилган мисраларни ўқир эканман бир-бирига этиша олмаган икки ёшни кўргандай бўламан. Ногоҳ эсан шамоллар, тўзиб кетди-ку, Муҳаббат қасримиз бузулиб кетди-ку, Бир-бирига талпинган юракларимизни, Маъшар кунигача чўзиб кетди-ку. (Тамом.)





**Оиламиз меҳмони**

- Жўрабек ака, аввало юртимизга хуш келибсиз. Мен суҳбатни Абдулла аканинг:

**Дўсту қардошдир азалдан**  
Ўзбегим тожик билан, Иккиси бир байт газалдан  
**Ўзбегим тожик билан,**  
деган сатрлари билан бошлагим келади. Сизни она юртингизда қандай бекиёс меҳр билан яхши кўрсалар Ўзбекистонда ҳам бу эътибор ундан кам эмас.

- Эътибор қилган бўлсангиз ўзбек билан тожик гижжагидан бир хил нола таралади. Карнай, сурнайидан бир хил товуш чиқади. Либослар бир хил, бешиклар бир хил, тўй удумлари бир хил. Сирдарё, Амударё, Зарафшон дарёлари бўйида икки тилли битта халқ оғ-инидек яшайди. Ҳазрати Навоидан, ҳазрати Жомийдан мерос бу дўстлик. Юқоридаги гапингизга ҳамоҳанг мен ҳам бир нарсани таъкидлагим бор: юрагим ҳамиша ўзбек заминига талпиниб туради. Ойда икки-уч бор бу юртга ташриф буюриб, дўстларим билан учрашиб, суҳбатлашиб қайтаман. Шунда ўйлаб қоламан: сизлар мени кўпроқ яхши кўрасизларми ёки мен сизларни? Буни ёлғиз яратган билади.

- **Санъати ардоқланган хофизнинг туғилиб ўсган макони гап-сўзсиз барча мухлисларингизни қизиқтиради.**

- Тожикистондаги Айний тумани Кўхруд кишлоғида Муродбек Фолибеков оиласида дунёга келганман. Кишлоқдошларим тош устида дехқончилик қилишадди. Улар тошни гуллатган меҳмондўст одамлар. Ўзбекистон тоғларида қандай манзара бўлса, Кўхруда ҳам ана шундай. Икки тоғ ўртасидан дарё оқиб ўтади. Кийик ўтларнинг муаттар иси баҳорда ҳаммаёқни тутиб кетади. Чўққилар этагида гиламдай бўлиб лолалар очилиб ётади. Бу кишлоқнинг ўзи санъат даражасида гўзал.

- **Инсон ота-онасини руҳий жиҳатдан ҳам ўзига қадрдон деб билиши бахтдир. Падарингиз ва волидангиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

Навоий ҳазратлари:  
**Бошни фидо айла ато қошига,**  
**Жисмини қил садқа ано бошига,**  
-деб ёзган эдилар. Отам кишлоқнинг зиёлиларидан, обрўли одамлар эътиборидаги инсон эдилар. Хар замон хиргойи қилардилар. Мана бу кўшиқ бизда келини машъала билан олиб келаётганларида айтади:

**Сарвинозии-и, сарвинозии-и,**  
**Шишта, шишта хуммор кундае**  
**сарвинозии-и...**

Отамнинг мана шу оҳанглари болагимдан шууримга сингди. Отам шароит туфайли санъаткор бўлолмаганлар. Шундан менинг санъат йўлини тутишимда ҳамма имкониятни яратдилар.

Онам Бибиойша рубойлар, халқ кўшиқларининг билимдони эдилар. Ҳаёли, эътиқодли аёл эдилар. Фарзандларини суяр эдилар. 1976 йили Австралиядан Тожикистон кунлари бўлиб ўтди. Мен у ерда касал бўлиб қолиб, делегациядан 2-3 кун кеч қайтдим. Шунда кимдир онамга кўнграқ қилиб: "Ўглингиз Австралиядан ўлди", дебди. Онам бир "оҳ" тортадилар. Ана шу "оҳ" у кишини бу дунёдан олиб кетди. Фариштадай қиёфалари хар лаҳза кўз олдимда. Отам ва онам билан фахрланишга ҳақким бор.

- **Дўст бу — энг юксак девор, мустаҳкам кўрган, сув билан таъминланган ишончли қалъадир. Дўстларингиз бисёрми?**  
- Умрдан дўстни учуриш дунёни нур-

айтган кўшиқларимни гўё энди тушунаётгандайман, кашф қилаётгандайман.  
- **Ҳозир нима билан бандсиз?**  
- Ҳожи Абдулазиз Расулов, Барно Исо-

ортиқ санъаткор қатнашиб 40 киши танлаб олинди. Дастага "Нури Хўжанд" деб ном бердик. Малоҳат Абдушукурова, Насиба Омонбоева, Зумрад Самижонова, Абдумавлон Дадабоев, Муҳаммадҷон Мирниёзов каби истеъдодли ёшлар бирлашган. Агар уларнинг хар бири биттадан мақомни маромига етказса ҳам олтин меросимизнинг 40 таси тикланади. Навоий, Саъдий, Рудакий мероси - булар илоҳий қудрат-ку.

- **Ўзингизни саховатлиман, деб айта оласизми?**

- Республикада ўн йил Тинчлик жамгармасининг раиси бўлиб ишладим. Дунё фожиаларига бефарқ қарай олмаман. Оналар ва болаларга теккан совуқ шабада мени музлатиб кетади. Шахсий саховат ҳақида гап кетганда бир гап бор-ку, "Ўнг қўл берсину чап қўл кўрмасин" деган. Худого шукр, бу томонлама ҳам виждоним хотиржам.

- **Бола тарбияси давлатни бошқаришдан ҳам теранроқ мушоҳада, донишмандлик талаб этади. Фарзандларингиз маъқулми?**

- Оила табиатнинг шоҳ асарларидан саналади. Тартиб-интизомнинг энг зўр мактаби ҳам оила.

Инглиз шоири Жеффри Чосер:  
**Ахлоқий тубанликдан,**  
**Ўринсиз хушсуханликдан,**  
**Огоҳ бўлмаса хар ким,**  
**Расво бўлган фарзандининг**  
**Ҳолини кўрар бир кун,**

-деб ёзган эди. Буни шархлашнинг ҳожати йўқ. Ота сифатида қаттиққўлман. Тўртта ўғлим бор. Фирдавсбек, Хусравбек, Парвизбек, Жонибеклар эркин фикрли, дунёқараши кенг, меъёрини биладиган ўғиллар. Ҳали ҳеч ким уларнинг нуқсонини туфайли менга арз қилгани йўқ. Бу менинг бахтим, осойишим. Невараларим бир-бирининг изидан кўпайиб борапти. Паричеҳра, Муҳаммадбек, Шаҳзода ва бир қанча қувончларим бор.

- **Ниятларингиз?**

- Ўзбек билан тожикнинг биродарлиги асрлардан буён давом этаётган бўлса, ана шу риважа эзилмасин. Тожикнинг тўйида ўзбек, ўзбекнинг тўйида тожик бақовул бўлиб, бир-бирига елкадош бўлиб юраверсин. Тўйнинг ярми ўзбеклар, ярми тожиклар бўлса, кўшиқларнинг бири мисраси ўзбекча, бир мисраси тожикча бўлса бунинг савобига ким етсин. Декабр ойида каминанинг таваллудига 60 йил тўлади. Мени ҳурмат қилган, кўшиқларимни севган барча мухлисларимни юртимизга тақдиф этаман.  
- **Омон бўлинг.**

**Суҳбатдош**  
**Гулжаҳон МАРДОНОВА**

**Тожикистон халқ артисти Жўрабек МУРОДОВ билан суҳбат**  
**САНЪАТ ДЎСТЛИККА ЧОРЛАЙДИ**



дан махрум этиш билан баробардир. Биласизми, Американинг Нью Йорк, Исроилнинг Рамле, Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Чуст, Косонсой, Нурота каби шаҳар ва туманларининг фахрий фуқаросиман. Дўстларим ҳам шунга яраша. Раҳ Капур билан яқин дўст эдик. Ботир Зокиров билан ака-ука эдик. Келсам Тамароҳонимни кўрмай кетмасдим. Комилжон оғани қидириб Хоразмга борардим, Таваккал ақани қидириб Фарғонага учардим. Фахриддин ака, раҳматли Отажон, Бобомурод ака, Олмаҳон опа, Камолиддин ака ва бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Шоир Улмас Жамолга илтимос қилиб, "Тожикистон ўғлидурман, Ўзбегим гуфто писар" кўшигини яратдим. Яратган кўшиқларимнинг ярми ўзбекча. 30 йилдан буён ўзбегу тожик халқларининг бирдамлиги, ҳамкорлиги йўлида санъатим билан хизмат қиламан.

- **Дунё бўйлаб кезгансиз. Қайси гастроллар хотирангизда узоқ сақланган?**

- Америка, Хиндистон, Афғонистон, Эрон, Япония, Австралиядан концертлар бердим. Япониянинг "Мин-он" медални, Хиндистоннинг олтин медални соҳибман. Санъат миллат танламайди. Оҳанг дилларни бoғлайди. Ҳеч қаерда ўзимни бегона сезмаганман. 40 йилдан буён катта сахнадаман. Мухлиснинг миллати бўлмайди. Уларнинг кўзларидан таралиб турган нурдан англайман тушунаётганларини. Лекин гапимга ишонсангиз, ўзим шу пайтгача

қова, Фазлиддин Шаҳобов, Бобокул Файзуллаевлар бизда мақомнинг устаси саналардилар. Ҳозир Жўрабек Набиев, Мاستона Эргашева, Абдураим Шерматов, Олмос Абдуллаевлар бу йўлдан кетишяпти. Хўш, ёшлар-чи? Вақти келиб бу санъаткорларнинг йўлини кимлар давом эттиради? Бизда 12 март "Санъат кунини" деб эълон қилинган. Бу кун радио ва телевидениеда фақат мақом кўшиқлари янграйди. Тожикистон халқ артисти Боймуҳаммад Ниёзов Хўжандга келиб қолдилар. Ўша кунлари Хўжанд вилоят ҳокимлигининг шашмақом кўшиқларини тиклаш юзасидан қарори эълон қилинган эди. Уста билан маслаҳатлашдик. Демак, шундай ансамбл керак деган тўхтамага келиб, танлов ўтказадиган бўлдик. Унда 100 дан

**Республика «Маърифатпарвар аёллар» уюшмаси уюшма фаоли, фалсафа фанлари номзоди**

**Ҳафизахон НАСРУЛЛАЕВнинг**  
фожеали вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига, яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади ва Аллоҳдан марҳумнинг охирига ободлик, яқинларига сабр тилайди.

**Фалсафа фанлари номзоди, яхши дўст, ўрток, дугона**

**Ҳафизахон НАСРУЛЛАЕВнинг**  
фожеали вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва қариндошларига чин дилдан чуқур таъзия изҳор этади ва Аллоҳдан марҳумнинг охирига ободлик, яқинларига сабр тилаймиз.

**«Оила ва жамият» жамоаси, дугоналари, дўстлари.**

**«Матбуот таркатувчи» акциядорлик компанияси жамоаси меҳнат фахрийси**  
**Мамасодиқова Вилоят ИБРАГИМОВНанинг**  
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

**Оила ва жамият**  
Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган кўлёмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди. Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**  
Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20  
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50  
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 34-25-46  
МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент - 700000  
Амир Темура кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма хонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 20.00  
Босишга топширилди - 21.00  
Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ҲОМИЙ: «Матбуот таркатувчи»**  
Акционерлик компанияси  
**ОБУНА ИНДЕКСИ** - {якка обуначилар учун 176  
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.  
Буюртма Г - 1139. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобқ.  
Баҳоси эркин нарҳда. Адади - 3215  
Саҳифаловчи — Акбар ШОДИЕВ.  
Расом — Набижон ХОЛМУРОДОВ.  
Навбатчи - М. СОДИКОВ.